БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

7-ЙИЛ ЧИҚИШИ
№ 230 (1750)
20 НОЯБРЬ ЯҚШАНБА 1960 ЙИЛ
БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

ЎЗБЕКИСТОН ССР САНОАТИ ЎН БИР ОЙЛИК ПЛАННИ МУДДАТИДАН ИЛГАРИ БАЖАРДИ

Ўзбекистон саноат ходимлари КПСС Марказий Комитетининг бўладиган Пленумини муносиб кутиб олишга тайёрланиб, оғир, енгил саноат ва озиқ-овқат саноатининг ялпи маҳсулот ва кўпчилик буюмлар ишлаб чиқариш ўн бир ойлик планини муддатидан илгари, 18 ноябрда бажардилар.

Ой охиригача пландан ташқари бир миллиард сўмликдан кўпроқ саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилади.

Республиканинг саноат ходимлари етти йилликнинг иккинчи йили учун белгиланган планларни ва оширилган социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажариш учун социалистик мусобақани янада кенг авж олдирмоқдалар.

ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ҲУЗУРИДАГИ МАРКАЗИЙ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИ.

ЕТИШТИРИЛГАН БУТУН ҲОСИЛНИ СЎНГГИ КЎРАГИГАЧА ТЕРИБ ОЛАЙЛИК!

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг

МУРОЖААТИ

Барча колхозчилар, совхоз ишчилари ва механизаторларга, қишлоқ хўжалиги мутахассисларига, шаҳарлар, район марказлари ҳамда посёлкалардаги ишчи ва хизматчиларга

Қадрли ўртоқлар!

Улуғ социалистик давлатимиз кенг авж олдирилган коммунистик қурилишнинг ҚПСС XXI съезди чизиб берган йўлидан қатъият, зўр ишонч ва шахдам қадамлар билан олға бориб, ғалаба қозонмоқда. Коммунистик партиянинг доно ички ва ташқи сиёсатидан илҳомланган совет кишилари ўзларининг қаҳрамонона меҳнатлари билан севикли Ватанимизнинг бойлигини кўпайтирмоқдалар ва унинг куч-қудратини мустаҳкамламоқдалар.

Совет Ўзбекистонининг меҳнаткашлари коммунизмнинг моддий-техника базасини яратиш йўлидаги умумхалқ курашига ўзларининг муносиб, салмоқли ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Республика саноати етти йилликнинг иккинчи йилига мўлжалланган топшириқларни анча ошириб бажармоқда ва пландан ташқари неча юз миллион сўмлик маҳсулот бермоқда. Саноат корхоналарининг коллективлари ўн бир ойлик планни муддатидан илгари, 18 ноябрда бажардилар. Қурилиш соҳасида ҳам анча катта силжишлар бор, транспорт ва алоқа ишларини ривожлантиришда катта муваффақиятларга эришилди.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари давлатга гўшт сотиш йиллик планини 142 процент, сут сотиш йиллик планини 118 процент, дон сотиш планини 106 процент, сабзавот сотиш планини 100 процент, узум ва мева сотиш планини 108 процент, полиз экинлари маҳсулоти сотиш планини 101 процент бажардилар, қоракўл тери, жун, пилла, луб экинлари пояси ва тухум етиштириш ҳамда давлатга сотиш юзасидан олган мажбуриятларини шараф билан адо этдилар. Жамоат чорвачилигининг емхашак базасини мустаҳкамлаш соҳасида олға қараб катта қадам қўйилди — 4 миллион 660 минг тонна, ёки бутун ўтган йилдагидан 2 миллион тонна кўп силос бостирилди; 4 миллион тоннадан кўпроқ дағал хашак тайёрланди, шундай қилиб, емхашак тайёрлаш юзасидан олинган мажбуриятлар оширилди бажарилди.

Қишлоқ хўжалигини юксалтириш соҳасидаги ана шу дастлабки муваффақиятлар халқимизни қувонтирмоқда. Аммо шуни эсдан чиқармаслигимиз керакки, халқимиз «оқ олтин» деб севиб атаган пахта Ўзбекистон меҳнаткашларининг коммунистик қурилишдан иборат буюк ишга, совет кишилари учун моддий ноз-неъматлар мўл-кўлчилигини вужудга келтириш ишига қўшадиган асосий ҳиссаси бўлиб келди, ҳозирда ҳам шундай, бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

Пахта — бизнинг доим ўсиб бораётган битмас-туганмас бойлигимиз, бизнинг қувончимиз ва умидимиздир. Биз, Ўзбекистон мамлакатнинг асосий пахта базаси бўлиши билан фахрланамиз. Пахтани йилдан йил кўп етиштириш — республика меҳнаткашларининг ватанпарварлик, интернационал бурчидир. Пахта — ўзбек халқининг СССР даги барча қардош халқлар билан, оғамиз ва дўстимиз — улуғ рус халқи билан бузилмас дўстлигининг моддий ифодасидир. Пахта севикли Ватанимизга ғалла, металл, кўмир, нефть каби керакдир.

Республиканинг пахтакорлари Ватан олдидаги бурчларини яхши англаб ва бу бурчларни шараф билан бажаришга ҳаракат қилиб, КПСС ленинчи Марказий Комитети ва жонажон Совет ҳукуматининг тобора кўпроқ бераётган ёрдамига таяниб, бу йил кўкламда об-ҳавонинг паст келиши ва анчагина майдонга чигитнинг қайтадан экилиши орқасида рўй берган қийинчиликларни муваффақиятли суратда бартараф қилдилар, пахтадан мўл ҳосил етиштирдилар. Бу эса етти йилликнинг иккинчи йилида мамлакатга 3 миллион 170 минг тонна пахта бериш юзасидан олинган социалистик мажбуриятни сўзсиз бажаришни таъминлайди.

Ҳозирги вақтда колхоз ва совхоз далаларида бутун пахта ҳосилини тез йиғиштириб олиб давлатга топшириш учун зўр ғайрат билан кураш олиб борилмоқда.

«Оқ олтин» тайёрлаш йиллик планини республикада ва бутун Совет Иттифоқида биринчи бўлиб муддатидан илгари, 13 ноябрда бажарган, КПСС Марказий Комитети ва ССР Иттифоқи Министрлар Советининг табригига сазовор бўлган Хоразм пахтакорларига шон-шарафлар бўлсин! Хоразм меҳнаткашлари яна камида 40 минг тонна пахта топширадилар. Бу эса уларнинг илгари олган мажбуриятига нисбатан 13 минг тонна кўпдир.

Қорақалпоғистон Автоном Республикаси қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари яқин кунларда пахта сотиш давлат планини бажарадилар. Пахта тайёрлаш йиллик планини бажариш арафасида турган Андижон областининг пахтакорлари қаҳрамонона меҳнат қилмоқдалар.

Бешкент, Юқори Чирчиқ, Жиззах, Янгиариқ, Шовот, Гурлан, Учқўрғон, Чинобод, Косон, Қўшкўпир, Урганч, Бўз, Ҳазорасп, Хонқа районлари, кўп совхозлар, юзларча колхозлар, минглаб бригадалар пахта тайёрлаш давлат планларини бажариб қўйдилар.

Машинада пахта териш плани ошириб бажарилди — 420 минг тоннадан зиёд ёки бутун 1959 йилдагига нисбатан 100 минг тонна кўп пахта машинада терилиб олинди.

Андижон ва Хоразм областлари, Қорақалпоғистон АССР механизаторлари ҳосилни машинада териш юзасидан ўз мажбуриятларини ошириб бажардилар. Самарқанд ва Сурхондарё областлари машинада пахта териш мажбуриятларини бажариш арафасида турибдилар.

Пахта тайёрлаш илғорларига шон-шарафлар бўлсин!

Қадрли ўртоқлар!

Мамлакатнинг ҳамма қисмида КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленумини муносиб кутиб олиш учун қудратли ватанпарварлик ҳаракати кенгайиб кетди. Бу Пленумда барча республикалар, шу жумладан Ўзбекистон ҳам етти йиллик иккинчи йили топшириқларининг бажарилиши тўғрисида партияга, халққа рапорт берадилар.

КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленумини олинган социалистик мажбуриятларни бажариш билан кутиб олиш — пахтакорларнинг ва республикадаги барча меҳнаткашларнинг шарафли ишидир.

Ҳозирги вақтда 2 миллион 500 минг тоннадан кўпроқ пахта тайёрланди. Социалистик мажбуриятларимизни КПСС Марказий Комитети Пленуми очилишига қадар бажариш учун биз яна 670 минг тонна пахта териб, давлатга топширишимиз керак.

Бу вазифани бажариш учун бизда бутун шарт-шароит бор: мўл ҳосил етиштирилган, одамларимиз етарли, биз кўп миқдорда пахта териш техникасига ва ажойиб механизатор кадрларга эгамиз. Уюшқоқлик, мустаҳкам интизом ва зўр ғайрат билан меҳнат қилишгина талаб этилади. Ҳар бир кун, ҳар бир соат ғанимат! Ўртоқлар, суръатни пасайтириш мумкин эмас, бир минутни ҳам қўлдан бой бериш мумкин эмас! Биз ўз ваъдамизнинг устидан чиқишимиз, олган мажбуриятларимизни бажаришимиз зарур. Бу — бизнинг муқаддас бурчимиздир!

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети сизларга, **колхоз ва совхоз далаларининг шонли меҳнаткашларига** мурожаат қиладилар! Сизлар мўл ҳосил етиштириш учун курашда кўп меҳнат сарф қилдингиз. Яна бир марта зўр бериб, жадал ҳаракат қилсангиз, мажбурият ҳам бажарилади! Ҳозирги кунда бутун халқ, бутун мамлакатнинг фикр-зикри сизларга қаратилган. Эндиликда қишлоқ меҳнаткашлари учун пахта ҳосилини тезликда йиғиштириб олишдан кўра муҳимроқ, фахрлироқ ва масъулиятлироқ вазифа йўқ! Ҳосилнинг тақдири сизнинг қўлингизда. Пахта учун курашнинг муваффақияти сизларнинг ҳар бирингизга боғлиқдир. Ҳар бир колхозчи, ҳар бир совхоз ишчиси, қишлоқнинг ҳар бир меҳнаткаши бригада, колхоз, районнинг ўз мажбуриятларини бажариши учун шахсан қанча пахта териши кераклигини аниқ белгилаб олиши лозим. Ғайратимизга ғайрат қўшиб меҳнат қилайлик, фидокорона ишлаб, ватанпарварлик бурчимизни тўла-тўкис бажарайлик!

Механизатор ўртоқлар, сизларга мурожаат қилмоқдамиз! Сизлар техникани тараққий эттириш учун курашда кўп иш қилдингиз ва сизнинг қаҳрамонона ишларингизни бутун халқ тақдирлади. Аммо, пахта учун курашнинг тугалловчи даври келган ҳозирги пайтда сизлардан янада жонбозлик билан, новаторларга хос мардлик ва матонат билан меҳнат қилиш талаб этилади. Барча пахта териш машиналари ва кўрак териш машиналарининг икки сменада узлуксиз ва юқори унумли ишлашини ташкил этиш, кўрак тозалайдиган машиналарнинг ҳаммасини ишга солиш керак, токи ҳар бир район, ҳар бир колхоз ва совхоз, ҳар бир бригада ва ҳар бир механизаторнинг машинада пахта териш юзасидан олган мажбуриятларини ҳеч сўзсиз тўла ва ошириб бажариш таъминлансин. Сиз ўз ишингизда юксак кўрсаткичларга эришиб, партиямизни, мамлакатимизни, халқимизни бениҳоя ҳурсанд қилишингизга аминмиз!

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети сизларга, **шаҳар, район марказлари ва посёлкаларнинг шонли меҳнаткашларига** мурожаат қиладилар! Сизлар қишлоқ меҳнаткашларига ёрдам бермоқ учун колхоз ва совхозларга бориш билан ҳосилни йиғиштириб олишга катта ҳисса қўшасиз. Пахтакорлар бунинг учун сизлардан бениҳоя миннатдордирлар. Ишчилар синфи билан колхозчи деҳқонларнинг бузилмас иттифоқи бунда ўзининг амалий ифодасини топмоқда. Партия ва Ҳукумат яқин йилларда пахта теримини тамомила механизациялаш йўлини қатъият билан ўтказиб келмоқда ва бундан буён ҳам шу йўлни ўтказади. Аммо ҳали, қўлда терилаётган пахтанинг салмоғи катта. Шу сабабли сизларнинг ёрдамингиз жуда зарурдир. Пахта учун кураш — Ўзбекистондаги барча меҳнаткашларнинг умумхалқ ишидир. Шаҳарлик азиз ўртоқлар, ўз бурчимизни охиригача бажарайлик — етиштирилган бутун ҳосилни тезда йиғиштириб олишда пахтакорларга кўмаклашайлик!

Коммунист ва комсомол ўртоқлар, биз сизларга мурожаат қилмоқдамиз! Ҳосилни жадал йиғиштириб олиш учун, олинган социалистик мажбуриятларни бажариш учун курашувчиларнинг биринчи сафларида бўлиш — сизларнинг партиявий бурчингиз, комсомоллик бурчингиздир! Этак тутиб далаларга чиқингиз, ҳормай-толмай ишланг, большевистик оташин сўзингиз билан, фидокорона меҳнат қилиб шахсан намуна кўрсатиш билан барча теримчиларни ўзингизга эргаштириб борингиз!

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советини орқада қолаётган йирик пахтакор районлари — Оққўрғон, Бекобод, Бўка, Гулистон, Ўрта Чирчиқ, Сирдарё, Янгийўл, Янги ер, Олтиариқ, Охунбобоев, Бағдод, Қува, Ленинград, Марғилон, Андижон, Избоскан, Қўрғонтепа, Пахтаобод, Хўжаобод, Оқдарё, Иштиҳон, Каттақўрғон, Пастдарғом, Хатирчи, Пахтакор, Вобкент, Ғиждувон, Қоракўл, Бухоро, Навоий, Шофрикон, Свердлов, Денов, Жарқўрғон, Китоб, Сариосиё, Шаҳрисабз, Шўрчи, Амударё, Кегайли районлари ва бошқа районларнинг меҳнаткашлари, сизларга алоҳида мурожаат қиладилар.

Бутун республикамизнинг социалистик мажбуриятларни бажариши сизларнинг иш натижаларингизга, ўз қолоқлигингизни тезроқ тугатишингизга боғлиқдир. Шуни эсда тутингизки, қийинчиликларни моҳирлик билан енгаётган кишилар, саботматонат кўрсатиб, тўла ғалаба қозонгунча кураш олиб бориш учун ўз кучларини ишга солган кишилар ғалабага эришадилар! Ўртоқлар, сизларни пахта тайёрлаш суръатини кескин суратда кучайтириш ва ўз социалистик мажбуриятларингизни сўзсиз бажариш учун бутун кучларингизни сафарбар қилишга, барча имконият ва резервлардан фойдаланишга даъват этамиз! Бу иш қўлингиздан келади, бу ишни бажаришингиз керак, биз шундай қилишингизга ишонамиз!

Қадрли ўртоқлар!

Пахтани териш, қуритиш ва ташиш вақтида унинг нобуд бўлишига қарши кураш, шунингдек чорва молларнинг пахтани пайҳон қилишининг олдини олиш — мажбуриятларни бажаришнинг энг муҳим шартидир.

Бир гектар ерда бир кўракнинг нобуд бўлишининг ўзи ҳам умуман республикада анча пахтанинг нобуд қилинишига олиб келади. Буни эсдан чиқармаслик керак. Қатор ораларида, йўлларда, пахта кўрпаларидан жойларда, тайёрлаш пунктларида тўкилиб қолган пахтани териб олиш зарур. Бу пахта — халқ бойлигидир ва биз бу бойликнинг нобуд қилинишига асло йўл қўялмаймиз.

Пахтанинг бир грамми ҳам нобуд қилинмасин! Етиштирилган бутун ҳосилни сўнгги кўрагигача териб олайлик!

Ҳаво очиқ келган ҳар бир кун, ҳар бир соатдан тўла фойдаланиш керак ва ишни шундай уюштирмоқ керакки, об-ҳаво ноқулай келган шароитда ҳам пахта тайёрлаш суръати пасайтирилмасин. Бунинг учун биз мавжуд сушилкалар ва қуритиш-тозалаш цехларининг ҳаммасини тартибга солишимиз, уларнинг тузук аҳволда бўлишини текширишимиз, ёқилғи билан таъминлашимиз ва кеча-кундуз ишлаб туришини таъминлашимиз лозим. Қуритиш агрегатларида ишнинг кўзини биладиган ва етарли тажрибаси бўлган кишилар ишлашлари керак.

Терим ишларини тугаллаш билан бир вақтда ерни шудгор қилиб қўйиш, яхоб бериш, янги ва партов ерларни ўзлаштириш ҳамда келгуси йил ҳосили учун бошқа кузги-қишки тадбирларни ҳам амалга ошириш лозим. Биз далаларни тозалаш ва шудгор қилиб қўйишнинг амалда яхши натижа берган конвейер усулини ҳамма жойда кенг қўлланишни тавсия этамиз.

Кузнинг ҳозирги қизғин иш пайтида колхоз, совхозларнинг, районларнинг раҳбарларидан теримчилар, механизаторлар, пахта теримида қатнашаётган шаҳарликлар тўғрисида алоҳида ғамхўрлик қилиш талаб этилади. Далаларда ишлаётган меҳнаткашлар учун яхши маданий-маиший шароит яратиб бериш, уларни иссиқ овқат билан таъминлаш ва қилган меҳнатлари учун ўз вақтида ҳақ тўлаш — барча партия, совет ва хўжалик органларининг энг биринчи бурчидир.

Ўртоқлар, пахтанигина эмас, балки гўшт, сут, сабзавот, картошка ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва давлатга сотиш юзасидан ҳам олинган социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажариш, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини аҳолига керагидан кўпроқ етиштириш ҳамда зарур запаслар вужудга келтиришни таъминлаш учун барча имкониятларга эгамиз.

Ўртоқлар, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети сизларни, колхозчилар, совхоз ва РТС ишчиларини, шонли механизаторларимизни енг шимарай, ҳормай-толмай фидокорона ишлашга, бутун пахта ҳосилини сўнгги кўрагигача тез йиғиштириб олиб давлатга топшириш учун зўр бериб ишлашга даъват этадилар! Бу — бизнинг бурчимиз, энг асосий ва энг муҳим, энг зарур вазифамиздир. Бу — бизнинг шарафли ишимиздир!

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қаттиқ ишонч билдириб айтадиларки, пахта теримида фидокорона меҳнат намуналарини кўрсатган шонли колхозчиларимиз, совхоз ва РТС ишчилари, ажойиб механизаторларимиз, ишчиларимиз, хизматчиларимиз ва барча шаҳарликлар терим ишлари тугалловчи даврга қадам қўйиб, ғалаба яқинлашиб қолган ҳозирги пайтда янада зўр қаҳрамонлик билан меҳнат қиладилар ва севикли социалистик Ватанимиз олдидаги ўз интернационал бурчларини тўла-тўкис бажарадилар!

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ — ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ — ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ХОРАЗМ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИГА ВА ОБЛАСТЬ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИГА

ХОРАЗМ ОБЛАСТИНИНГ КОЛХОЗЧИЛАРИГА, СОВХОЗ ВА РТС ИШЧИЛАРИГА, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МУТАХАССИСЛАРИГА, ПАРТИЯ, СОВЕТ ВА КОМСОМОЛ ХОДИМЛАРИГА, БАРЧА МЕҲНАТКАШЛАРИГА

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети Ўзбекистон ССР Хоразм области қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг пахта тайёрлаш планини муваффақиятли бажарганликларини зўр қониқиш билан қайд қиладилар. Областнинг колхоз ва совхозлари давлатга 234 минг тонна пахта сотдилар, шу жумладан пахтанинг 85 процентдан ортиқ қисми биринчи сортларга топширилди. Машинада пахта териш плани 103 процент бажарилди.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети Хоразм областининг колхозчиларини, совхоз ва РТС ишчиларини, қишлоқ ва сув хўжалиги мутахассисларини, партия, совет, комсомол ва касаба союз ходимларини ҳамда барча меҳнаткашларини эришилган ютуқлар билан қизғин табриклайдилар ва область қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари давлатга пландан ташқари 40 минг тонна пахта сотиш юзасидан ўзларининг социалистик мажбуриятларини бажарадилар ҳамда пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтиришга эришадилар, деб ишонч билдирадилар.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ — СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бюроси чорва молларнинг пахтани пайҳон қилиши фактлари тўғрисида қарор қабул қилди. Қарорда айтилади, кейинги вақтларда кўп колхозларнинг правлениелари совхоз раҳбарлари, маҳаллий партия, совет, комсомол, касаба союз ва қишлоқ хўжалик органлари, шунингдек Ўзбекистон ССР прокуратура, суд ҳамда Ички ишлар министрлиги органлари пахтанинг тегишинча қўриқланишини таъмин этмаётирлар. Бунинг натижасида колхозчиларга, совхоз ишчиларига ва район марказларида яшовчи аҳолига қарашли чорва моллар, шунингдек колхоз ва совхозларнинг ўзларига қарашли чорва моллари нинг пахтани пайҳон қилиб юбориши каби ҳоллар кўп учрамоқда. Шу билан бирга, пахтанинг пайҳон қилинишида айбдор бўлган кишилар қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилмаётир.

Текшириш натижасида Қўнғирот, Кегайли, Тахтакўпир, Пастдарғом, Хатирчи, Жиззах, Ленинград, Куйбишев, Хонқа, Янгиариқ, Бухоро, Конимех, Қизилтепа, Қуйи Чирчиқ ва Чиноз районларида пахтанинг пайҳон қилиниши каби ҳоллар айниқса кўп рўй бераётганлиги аниқланди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бюроси пахта ҳосилини пайҳон қилинишидан сақлашга шу ҳилда бепарво қараш ҳосилнинг кўп нобуд бўлишига олиб келиши, давлатнинг, колхоз ва колхозчиларнинг манфаатларига катта зарар етказиши мумкинлигини таъкидлаб, партия, совет, қишлоқ хўжалик, комсомол, касаба союз ташкилотларининг, колхоз ва совхоз раҳбарларининг эътиборини бунга жалб этади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бюроси қарор қилди:

1. Область ва район партия комитетларига, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, область ва район ижроия комитетларига, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетига ва маҳаллий комсомол ташкилотларига, Ўзбекистон касаба союзлари Советига ва маҳаллий касаба союз ташкилотларига, Ўзбекистон ССР прокуратураси, Олий судига ва Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлигига чорва молларнинг пахтани пайҳон қилиб юборишига ва бошқа хилдаги нобудгарчиликлар халқ хўжалигига ҳамда меҳнаткашларнинг ўз манфаатларига жуда катта зарар етказишини аҳоли ўртасида кенг тушунтириб бериш топширилсин. Шу сабабли, пахтанинг пайҳон ва нобуд қилинишига қарши кураш аввало жамоатчиликнинг — ҳар бир колхозчининг, ҳар бир совхоз ишчисининг энг муҳим вазифасидир. Пахтанинг пайҳон ва нобуд қилинишида айбдор бўлган шахсларнинг ана шу ножўя ишлари жамоатчилик ўртасида қораланиши лозим.

2. Прокуратура, суд ва Ички ишлар министрлиги органларига чорва молларнинг пахтани пайҳон қилишига ва бошқа хилдаги нобудгарчиликка йўл қўядиган шахсларни ҳам, бундай нобудгарчиликнинг олдини олиш учун зарур чоралар кўрмаётган колхоз ва совхоз раҳбарларини ҳам мавжуд қонунларга мувофиқ, жавобгарликка тортиш топширилсин.

Ўзбекистон КП Тошкент область комитетида

Бекобод районида пахта нобуд қилинаётганлиги ва оммавий равишда пайҳон этилаётганлиги тўғрисида

Область партия комитетининг бюроси Бекобод районида давлатга пахта сотиш планининг ва район колхозлари ҳамда совхозлари томонидан 1960 йил учун олинган социалистик мажбуриятларнинг бажарилиши мутлақо қониқарсиз бораётганлигини қайд қилди. Бу соҳадаги аҳвол яна шу билан оғирлашмоқдаки, маҳаллий партия ва совет ташкилотлари талабчанлик қилмаётганликлари ҳамда контроллик олиб бормаётганликлари натижасида пахтанинг нобуд бўлиши ва унинг чорва моллари томонидан оммавий равишда пайҳон этилишига йўл қўйилмоқда.

Текшириш натижасида 1 ва 2-«Далварзин» совхозлари, Дзержинский номли, Навоий номли колхозлар ва айниқса «Чаноқ» совхозида пахта нобуд қилинаётгани ва чорва моллари томонидан пайҳон этилаётгани аниқланди. Юқорида кўрсатилган хўжаликларнинг далаларида 100 дан ортиқ эшак, 50 дан ортиқ сигир, қўй, эчки ва бузоқлар пахта ичида оралаб юрганлиги маълум бўлди.

Пахтанинг нобуд қилиниши ва унинг чорва моллари томонидан пайҳон этилиши фактлари областнинг бошқа районларида ҳам содир бўлмоқда.

Область партия комитетининг бюроси пахтани териш ва тайёрлашни қониқарсиз ташкил этгандиги, унинг нобуд қилиниши ва чорва моллари томонидан пайҳон этилишига йўл қўйганлиги учун Бекобод район партия комитетининг секретари Ўртоқ Ҳуснутдиновга виговор эълон қилди ва район партия комитети ҳамда район ижроия комитетидан пахтани териш ва тайёрлаш соҳасида йўл қўйилаётган жиддий камчиликларга дарҳол барҳам беришни, пахта тайёрлаш соҳасида кескин равишда ўзгаришга эришишни ва пахта тайёрлаш плани ҳамда социалистик мажбуриятни бажариш юзасидан белгиланган графикнинг сўзсиз бажарилишига эришишни талаб этди.

Область партия комитетининг бюроси пахтанинг нобуд қилиниши ва унинг чорва моллари томонидан пайҳон этилиши фактлари юзасидан Бекобод район партия комитети бюросининг қарори билан район милиция бўлимининг бошлиғи Муҳамедов, район прокурори Фатхуллаев, «Чаноқ» совхозининг директори Игнатенко, Навоий номли колхоз правлениесининг раиси Қодиров ўртоқларга қаттиқ чора кўрилганлиги, бошқа колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари огоҳлантирилганлигини ҳамда район партия комитети ва район ижроия комитети томонидан пахтанинг нобуд қилиниши ҳамда унинг чорва моллари томонидан пайҳон этилиши каби йўл қўйиб бўлмайдиган фактларнинг олдини олиш юзасидан кескин чоралар кўриш ҳақида берилган ваъдани маълумот учун қабул қилди.

Бекобод район партия комитети ва район ижроия комитетига кўрилган чоралар тўғрисида шу йил 22 ноябрда область партия комитетига маълум қилиш мажбурияти юклатилди.

1910 Л. Н. Толстой 1960

«УНИНГ САНЪАТКОР СИФАТИДА ЖАҲОНШУМУЛ АҲАМИЯТИ, МУТАФАККИР ВА ТАРҒИБОТЧИ СИФАТИДА БУТУН ДУНЁГА ТАНИЛГАНЛИГИ, БУЛАРНИНГ ҲАР ИККИСИ ҲАМ РУС РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ ЖАҲОНШУМУЛ АҲАМИЯТИНИ УЗИЧА АКС ЭТТИРАДИ».

В. И. ЛЕНИН.

РУС ВА ЖАҲОН АДАБИЁТИНИНГ ГЕНИЙСИ

А. М. Горький Ленин тўғрисидаги ўз эсдаликларида Владимир Ильич Лев Толстой ҳақида жуда фахрланиб ва завқланиб гапирганлигини ҳикоя қилади: «Қандай улуғ зот-а? Қандай буюк киши! Мана буни, отаҳон санъаткор деса бўлади... Европада унинг билан бир қаторга кимни қўйиш мумкин?.. Ҳеч кимни».

Л. Толстойнинг бадиий мероси ниҳоятда катта. Бу мерос рус турмушининг деярли бутун асрини, айниқса XIX асрнинг иккинчи ярмини ёритади. Ёзувчи революцияга қадар бўлган Россияни; унинг феодал-крепостнойлик тартиб-қоидаларини, помешчик-капиталистик йиртқичлигини, ҳукмдорларнинг дабдабали ва бемаъни ҳаёт кечиришини, меҳнаткаш омманинг қашшоқлиги ва ҳуқуқсизлигини ажойиб ҳаққонийлик ҳамда ниҳоятда усталик билан тасвирлаб берди. Ёзувчи рус ҳаётини бутун зиддиятлари ва қийинчиликлари билан бирга унинг энг муҳим, характерли томонлари орқали акс эттирди. В. И. Ленининг сўзлари билан айтганда, «Л. Толстой ўз асарларида шу қадар катта масалаларни майдонга қўя олдики, бадиий кучи жиҳатидан шу даражага баландга кўтарилдики, унинг асарлари жаҳон бадиий адабиётида биринчи ўринларидан бирини эгаллади».

Олтмишинчи йилларда ёзилган «Уруш ва тинчлик» романи Л. Толстойнинг энг йирик асаридир. Бу жуда катта бадиий полотно бўлиб, унда ўтган аср бошларидаги рус жамиятининг ҳаёти ифодаланган. Бунда Толстой 1812 йилдаги Ватан урушида жонажон юртини чет эллик золимлардан ўз кўкраги билан ҳимоя қилган қаҳрамон рус халқини биринчи ўринга қўяди. Ёзувчи Наполеон қўшинларини сафига ваҳимали қўрқинч ва даҳшат солган рус армиясининг ҳайбатли, мустаҳкам куч-қудратини кўрсатади. Буюк рус саркардаси Кутузов, мулойим ва довюрак генерал Багратион, партизанлар бошлиғи, жасур ва виждонли Денисов ҳамда Ватан урушининг бошқа кўпгина қаҳрамонларининг унутилмас образларини роман автори меҳр-муҳаббат билан тасвирлайди.

Романда халқ оммасининг ватанпарварлик кучи сарой аҳллари, «юқори табақа» дворянларининг сохта, тумтароқли «ватанпарварлиги»га қарама-қарши қилиб кўрсатилгандир. Бу «юқори табақа»нинг князь Василий, Анна Шерер, Борис Друбецкой сингари вакилари ва дворянлар салонларида истиқомат қилувчи бошқа шахсларнинг ўз мамлакати ва халқининг тақдири билан сира қизиқмасликлари ўқувчи кўз ўнгида намоён бўлади.

Толстой ҳаёт ҳақиқатига амал қилиб, дворян зиёлиларининг энг яхши вакилларининг, масалан, Андрей Болконский, Пьер Безуховнинг эсда қоладиган образларини севиб яратди. Улар эзилган халққа ачиндилар ва крепостной деҳқонлар аҳволини енгиллаштиришга интилдилар.

«Уруш ва тинчлик» романида 500 дан ортиқ иштирок этувчи шахс бор. Уларнинг ҳар бири ўзининг характерли, такрорланмас хусусиятларига эга, ҳар бири ўқувчини ўзига мафтун қиладиган, қаяжонга соладиган ўз ички ҳаёти билан яшайди.

Бу асарда ёзувчининг дунёқарашидаги зиддиятлар ҳам акс этмай қолаолмади. Рус халқининг Наполеон ҳужумига қарши қаҳрамонона курашини кўрсатиш билан бир қаторда, Толстой Платон Каратаевнинг сохта образини яратди. Платон Каратаевдаги қулларча бўйсуниш ва дин йўлида ҳамма нарсани кечиш хусусиятлари гўё рус деҳқонини характерлайдиган хусусиятларга қилиб кўрсатилади. Бу образ Пугачёв, Разин, Болотников каби қурашчиларни етиштириб чиқарган рус деҳқонларини, 1812 йили оташин ватанпарварлик авж олганда қўлига қурол олиб, Наполеон тўдасига қарши яқдиллик билан курашга отланган ва босқинчиларни тор-мор келтирган халқ оммасини гавдалантира олмайди, албатта.

Етмишинчи йилларда Л. Толстой «Анна Каренина» романини ёзди. Толстой яшаган замон воқелигидан олиб ёзилган бу роман феодал-крепостнойлик тузумининг тез емирилиши ва капиталистик муносабатларнинг ўсиши даврини акс эттиради. Бу асарда ёзувчи дворян-буржуа жамиятини, бемаъни ҳаёт кечирувчи «юқори табақа»ни фош қилади. «Юқори табақа»дагилар сохта, шафқатсиз ахлоқ қонун-қоидаларига кўра яшайдилар. Бу ерда эгоизм, иккиюзламачилик, мунофиқлик авжига чиқади. Кишининг киши томонидан эзилишига асосланган бу жамиятда кучли, чуқур севгини кўмсаган ёш аёл Анна Карениналнинг соф, равшан қалби ишдан чиқанлигини автор кўрсатиб беради.

«Уруш ва тинчлик» романида бўлгани каби «Анна Каренина»да ҳам Толстой унутилмас бадиий образлар галереясини, жонли кишиларни уларнинг орзу-ҳавас ва ташвишлари, безовталик ва муҳтожликлари билан бирга яратади. Бу ерда Аннанинг эри — Каренин ҳам бор. Бу бағритош чиновник, шафқатсиз бюрократ ўз золимлигини «юқори табақа» кишисига хос феъл-атвор ва христиан дини пардаси остига яширади. Дворян «асл ёшлари»нинг вакили Вронский ҳам шу қаторда. Анна уни севади ва унда Анна чуқур севги туғдира олган. Бироқ Вронский Анна Карениннани қоралаган дворян-аристократик муҳит билан алоқасини узолмайди ва севимли аёлни ўз ҳулқ-атвори билан ўлимга маҳкум этади. Ўқимишли дворянин-помешчик Левин ҳам шулар қаторидадир. У ўз деҳқонларига ёрдам қилишга уриниб кўради, улар билан «тўғри», «виждонан» яшашга интилади. Лекин капиталистик муносабатлар кучи таъсирида деҳқонларнинг эксплуататори бўлиб қолаверади.

Бироқ Л. Н. Толстой дунёқарашидаги зиддиятлар, унинг чегараланганлиги «Анна Каренина» романида ҳам из қолдирди. Роман автори буржуа тартиб-қоидаларини рад қилиб, уларни ахлоқ ва адолатнинг «абадий» бошланиши позициясидан туриб танқид қилади. У, руҳий кечинмалари динни тан олиш билан якунланган помешчик Левинга ачиниб қарайди. Толстой христиан ахлоқи нуқтаи-назаридан Анна Карениналарни оиласини бузганлиги учун қоралайди. Гарчи ёзувчи айни вақтда дворян-буржуа жамиятида оиланинг бутунлай қалбакилиги, мунофиқлигини кўрсатиб, Анна Карениналарни оқласа ҳам, шундай қилади.

1889 йилдан 1899 йилгача Толстой «Тирилиш» романи устида ишлади. Ўн йил мобайнида у Толстой реализмининг чўққиси ҳисобланган ажойиб асар яратди. Бу романда дворян-буржуа жамиятининг синфий қарама-қаршиликлари жуда катта бадиий куч билан, ҳаққоний очиб берилганди. «Тирилиш»да ёзувчи самодержавиенинг туб негизларига қарши норозилик билдиради, юқори мансабдаги подшо тўраларини саваларди, подшо судининг найрангларини фош қиларди, черковнинг халқини асоратга солишда давлатнинг малайи сифатидаги мунофиқлигини очиб ташларди, помешчик-капиталистик тузумнинг ҳамма ва ҳар қандай ниқобларини йиртади.

Халқ орасидан чиққан кишиларнинг образларини Толстой самимий, қизғин ҳамдардлик билан тасвирлайди. Ёзувчининг симпатияси самодержавие-полициячилик режими зулми остида ҳолдан тойган деҳқонлар, фабрика ишчилари, дурадгорлар, этикдўзлар ҳамда оғир меҳнат билан шуғулланувчи бошқа кишилар тарафидадир. Автор бу кишиларнинг ўз маънавий сифатлари жиҳатидан жаноблар деб аталувчилардан юқори туришларини кўрсатади.

«Тирилиш» романида жуда ёрқин ифодаланган социал ёвузлик, ижтимоий иллатларга қарши қандай қилиб курашмоқ лозим? Толстой пролетариатнинг меҳнаткашларни озод қилиш учун курашдаги буюк тарихий ролини тушунмаган эди. Бу саволга у маънавий жиҳатдан ўз-ўзини такомиллаштириш ҳақидаги ўз тарғиботи нуқтаи-назаридан туриб жавоб берди. Роман автори умри тугаган ижтимоий-сиёсий тузумни йўқотиш йўли ўрга христиан динини севиш ва ҳамма нарсани кечишдан иборат деб исботлашга уринди.

Л. Толстой Ленининг энг севимли ёзувчиларидан бири эдч. Владимир Ильич Толстой фаолиятини ҳамда унинг атрофида бўлган турли ижтимоий-сиёсий оқимлар курашини зўр эътибор билан кузатиб борди. Владимир Ильич буюк рус ёзувчиси тўғрисида турли даврларда (1908—1911 йиллар) қатор мақолалар ёзди («Лев Толстой — рус революциясининг кўзгуси», «Л. Н. Толстой» ва бошқалар). Бу мақолаларда Толстойнинг ижоди биринчи марта муносиб равишда баҳоланди. Ленининг Толстой ҳақидаги мақолалари ёзувчи бадиий ижодини чуқур марксистик анализ қилишнинг намунасидир.

Ленин Толстойнинг ўз асарларида рус ҳаётининг энг муҳим мазмунини, биринчи рус революциясининг энг характерли хусусиятларини, унинг кучини ва заиф томонини акс эттирганлигини кўрсатиб берди. Владимир Ильич Толстой ижоди, унинг бир бутун қилиб олинган қарашларининг жами эски, патриархал рус деҳқонларининг идеологияси билан бевосита алоқада бўлганлигини аниқлади. Ленин Толстойнинг таълимотида миллион-миллион деҳқонларнинг норозилиги ва уларнинг умидсизликка тушганлиги ёрқин қўшилиб кетганлигини кўрсатди.

В. И. Ленин «Толстойчилик»нинг реакцион мазмунини фош қилди, «толстойчилик»ни идеаллаштирган, уни оқлаган ва бу билан реакцияга ёрдамлашган буржуа либералларини лаънатлади.

Л. Толстой санъаткор сифатида ватан адабиётини ривожлантиришда жуда катта роль ўйнади. Чехов ҳам, Горький ҳам унинг баракали таъсиридан баҳраманд бўлдилар. Совет ёзувчилари М. Шолохов, А. Фадеев, К. Федин ва бошқалар Лев Толстойдан ҳаётий процесслар моҳиятини чуқур англаш, ҳаққоний, тўлақонли характерлар яратишни санъатини ўргандилар.

Шу билан бирга Толстойнинг бадиий мероси жуда катта, жаҳоншумул аҳамиятга эга. Ғарбнинг энг йирик прогрессив ёзувчилари (Р. Роллан, Д. Голсуорси, Т. Драйзер ва бошқалар) Толстой бадиий генийсининг қудратли кучига қойил қолган эдилар ҳамда ўз ижодларида рус ёзувчисининг бой тажрибасидан фойдаландилар.

Аҳолисининг катта кўпчилиги саводсиз бўлган чор Россиясида санъаткор Л. Толстой жуда оз кишиларга маълум эди. «Унинг улуғ асарларини ҳақиқатан ҳам ҳаммага етказиш учун,— деб ёзган эди Ленин,— қурашмоқ керак, миллионлаб ва ўн миллионлаб кишиларни жаҳолатга, зулмга, каторга меҳнатига ва қашшоқликка маҳкум қилган ижтимоий тузумга қарши қурашмоқ керак, социалистик ўзгариш қилмоқ керак».

Улуғ Октябрь социалистик революцияси мамлакатимизнинг халқ оммасига фан, маданият, санъатнинг кенг йўлини очиб берди. Толстойнинг ниҳоятда бой адабий мероси совет даврида чинакам умумхалқ мулкига айланди.

Чуқур ғоявий мазмун ва мукаммал адабий шаклни ўзида бирлаштирган Толстой асарлари совет кишиларига эстетик завқ бағишлайди, уларнинг бадиий дидини оширади. Гениал сўз санъаткори Л. Толстойнинг ажойиб асарлари фақат ўтмишга эмас, балки ҳозирги ва келажак замон учун ҳам мансубдир. Толстой янги маданият яратишда қўмаклашаётган замондошимиз сифатида совет кишилари онгидан аллақачонлар жой олгандир.

И. ВОСТРИШЕВ.
филология фанлари кандидати.



Л. Н. Толстой ва А. М. Горький Ясная-Полянада (1901 йил)
ТАСС фото хроникаси



Л. Н. ТОЛСТОЙ

УЛУҒ УСТОЗ

УИҒУН

Лев Толстой номини тилга олганимизда, фақат рус классик адабиётининггина эмас, балки бутун дунё адабиётининг энг йирик намояндаларидан бири кўз олдимизда гавдаланади.

Улуғ Ленининг Толстойга юксак баҳо бериши бежиз эмас. Жаҳон адабиётида Толстойга тенглашадиган сўз усталари камдан-кам.

Ҳаётни бутун кенглиги, бутун чуқурлиги билан қамраб олишда, инсоннинг ташқи қиёфасидан тортиб энг нозик кечиримлари, туйғуларини тасвир этишда унга тенг келадиган санъаткор оз.

Толстой асарларини ўқир экансиз, у яшаган ва ижод этган даврдаги Россия ҳаёти бутун мураккаблиги билан намоён бўлади. Шунинг учун ҳам унинг ижодини ўз даврининг мукаммал энциклопедияси дейдилар. Ўша даврдаги рус ҳаётининг Толстой қаламга олмаган соҳасини топиш қийин. Ажойиб рус табиатидан тортиб Россиянинг мураккаб ижтимоий ҳаёти, деҳқонлар, савдогарлар, амалдорлар, ҳарбийлар, камбағаллар, бойлар, золимлар, мазлумлар, помешчиклар, графлар, олимлар, файласуфлар, яхшилар, ёмонлар— ҳаммаси, ҳаммасининг образи унинг шоҳ асарларида ўзининг ёрқин ифодасини топдилар. Чунки у ўз даврини жуда чуқур ва мукаммал ўрганган эди.

У ҳам ҳикоянавис, ҳам романчи, ҳам драматург, ҳам танқидчи, ҳам тадқиқотчи, ҳам олим, ҳам файласуф, ҳам сиёсатдон, ҳам жамоат арбоби, ҳам ўткир психолог, шоир, ҳам оташин қалбли донишманд эди.

Шунинг учун ҳам унинг асарларида донишманднинг юксак ақли ва шоирнинг жўшқин қалби сезилиб туради.

Толстой ўз асарларида замонасининг энг муҳим ва энг актуал масалаларини айни ҳолда ҳам замонавий, ҳам доимий, умуминсоний проблемаларни кўтариб чиқди ва ҳал қилди. Унинг асарларидаги ҳамма вақт ва ҳамма халқларни ва авлодларни зўр ҳаяжонга соладиган қудрат ана шундай. Унинг кўп асарлари ўз давридаги замонавий темаларнинг ёрқин ифодасидир. У ўз давридаги ижтимоий, сиёсий қарама-қаршиликларни, синфий курашни, ёвузлик билан эзгуликнинг кескин жангини чуқур сеза билган ва реалистик тасвир қила билган санъаткор. Шунинг учун Ленин уни рус революциясининг кўзгуси деб атади.

Улуғ Толстой биз учун юксак санъаткорликдагина эмас, балки ўз ижодига замонавий ва муҳим мавзулар танлай билишда ҳам устоздир.

Унинг ҳар бир китоби санъаткорликнинг нодир дарслигидир.

Мен Толстойнинг ажойиб асарларидан баҳраманд бўлган одамларни бахтиёр ҳисоблайман. Унинг мислсиз «Уруш ва тинчлик», «Анна Каренина», «Тирилиш», «Тирик мурда» сингари асарларини ўқимоқ ва кўрмоқ, беҳад завқланмоқ ва ҳаяжонланмоқнинг ўзи бир бахт. Аммо унинг асарларини таржима қилиш, унинг нозик ва ёрқин фикрлари, мулоҳазалари, туйғу-ҳислари тасвирларини мия ва юракдан бир-бир ўтказиш ва янги ўқувчига, янги авлодга етказиш бахт устига бахт. Мен унинг «Ҳожимурод»ини ўзбек тилига таржима қилиб, шундай бахтга эга бўлганлардан биринман. Бу ажойиб асар (гарчи, айтишларига қараганда, бу асар Толстойнинг ўзига унчалик маъқул бўлмаган бўлса ҳам) мени ниҳоятда қаттиқ қаяжонга солган эди. Толстой фақат ўзининг бу асаридангина эмас, ҳатто бошқа бир қанча асарларидан ҳам унча қаноат ҳосил қилмаган экан. Бу унинг доим узоқни кўзлашидан, ҳаётни яна ҳам чуқур ва мукаммал ифода қилишга интилишидан ва бу ўқувчи қилган ишидан эртага ўзи қаноат ҳосил қилмаслигидан далолат беради. Шох асарларини қайта-қайта ишлаши, қайта-қайта кўчириши («Уруш ва тинчлик» асарини қўлёзма ҳолида беш-олти мартаба қайтадан ишлаб, кўчириб чиққан) ҳам шундай бўлиши керак. Бу ҳол унинг ғоят меҳнатсевар эканини кўрсатади. Тўқсон томга яқин асар ёзмоқ, шубҳасиз, жуда зўр, қаҳрамонона меҳнат талаб қилар эди.

Бу жиҳатлари билан Толстой жаҳон қаламкашларига, шу жумладан ўзбек ёзувчиларига ҳам буюк устоздир.

Толстой асарлари ўзбек тилида

Рус адабиётининг классиги Л. Н. Толстой асарлари билан ўзбек китобхонлари ўттан асрнинг иккинчи ярмиларида, яъни Туркистон Россияга қўшиб олингандан сўнг таниша бошладилар. Лекин гениал ёзувчининг ажойиб асарлари фақат Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейингина кенг китобхонлар оммасининг ҳақиқий мулкига айланди.

Республикамизда 20-йиллардаёқ Толстойнинг «Кавказ асири» ва «Франсуза» асарлари босилиб чиқади. «Ер юзи» журналида босилган бу асарлар 1929—31 йилларда алоҳида китоб ҳолида нашр этилди. Шундан кейин ёзувчининг «Базмдан сўнг», «Алёша Горшок», «Ходинка» ҳикоялари ҳам ўзбек тилида босиб чиқарилди. 1933—1934 йилларда адибнинг «Тирилиш» романи Мирзакалон Исмоилий таржимасида нашр қилинди. Урушдан кейинги йилларда Толстой асарлари янада кўплаб чиқарила бошлади. Ёзувчи Абдулла Қаҳҳор 1947 йилда «Уруш ва тинчлик» эпопеясининг биринчи томини ўзбек тилига таржима қилди. Кейинчалик эса у Кибриё билан ҳамкорликда эпопеяниинг иккинчи китобини ҳам ўқувчиларга тақдим қилди. Ҳозир Абдулла Қаҳҳор эпопеяниинг учинчи китобини таржима қилмоқда. Ўйғун таржима қилган «Ҳожимурод» повестини ҳам ўзбек китобхонлари жуда севиб ўқийдилар.

Юбилей муносабати билан Ўзбекистон давлат бадиий адабиёт нашриёти ёзувчининг ҳикоялар тўплами ва ҳолида Аҳророва қайта таржима қилган «Тирилиш» романини босиб чиқарди. Бу таржимон ўзбек китобхонларига «Севастополь ҳикоялари»ни ҳам таржима қилиб тақдим этган эди. Ҳозир ёзувчи Мирзакалон Исмоилий Толстойнинг «Анна Каренина» романи таржимасини тугаллаш арафасида. Китобхонлар яқин келажакда бу ажойиб асар билан танишадилар.

Катта виставка

Алишер Навоий номли ўзбек халқ кутубхонасида буюк рус ёзувчиси Лев Николаевич Толстой вафотининг 50 йиллигига бағишланган катта виставка ташкил қилинди.

Виставкада «Ленин Толстой тўғрисида» ва «Толстой — рус ватанпарвари» деган темаларда рангдор плакатлар ҳам бор. Шунингдек, Толстой ҳаётининг илк даврлари, «Уруш ва тинчлик», «Анна Каренина», «Тирилиш», «Севастополь ҳикоялари», 1860 йилларни ўз ичига олган асарлари, Толстой—драматург, Толстой музика севучи ва унинг Ясная Полянадаги ҳаёти, уй-музейи тўғрисидаги материаллардан ташкил топган бўлимлар бор.

Бу ерда Толстойнинг 90 томлик тўлиқ асарларини, шунингдек унинг ўзбек, француз, инглиз, немис ва бошқа халқлар тилларида нашр қилинган китобларини учратасиз.

Лола ФАЙЗУЛЛАЕВА.

Толстой ва Горький

Бу икки улуғ зотни эслаганда рус адабиётининг ажойиб сўз санъаткорлари, ўз асарлари билан жаҳон халқларини ҳайратда қолдирган гигант ёзувчилар кўз ўнгимизда намоён бўлади.

Толстой ва Горький! Бу икки сиймо ҳар бир халқ қалбидан чуқур жой олган. Чунки улар меҳнаткаш омманинг юрагида борини, орзу-ҳавасини, интилиши ва бахтли келажагини истабгина қолмай, балки уларнинг бадиий ифодасини ҳам ғоят зўр усталик билан яратабилган, чинакам ҳаётни севучи оддий кишилар тилидан сўзлаган буюк адиблардир. Шунинг учун ҳам уларнинг номлари оламга машҳур.

Толстой ва Горький! Рус адабиёти ва рус маданиятининг равнақи учун қанчалар кўп хизмат қилган кишилар. Бири (Толстой) рус адабиётининг нон шуҳратини оламга таратди, иккинчиси (Горький) эса совет адабиётининг отахони сифатида адабиётда социалистик реализм методини яратди. Бири Россия деҳқонлари идеологиясини ифодалаб, подшолик тузумини, ўлимга маҳкум этилган синф вакилларини — чор амалдорлари ва чиновникларни, тўраларини ва судьялари, полициячилари ва дин ҳомийларини аёвсиз лаънатлади, уларга нафрат билан қаради. Иккинчиси эса янги туғилиб келаётган, аммо келажаги порлоқ бўлган ишчилар синфининг, жаҳон тарихида катта бурилиш ясаган рус пролетариатининг жарчиси, куйчиси ва улар фикрларининг ифодачиси сифатида майдонга чиқиб, неча асрлардан бери жабр-жафо чекиб келаётган меҳнаткаш халққа истиқбол йўлини кўрсатди, ўз асарлари билан уларнинг озодлик йўлидаги курашларига хизмат қилди.

Совет кишилари шу кунларда Лев Толстойни хотирлар эканлар, буюк пролетар ёзувчиси, революциянинг бўронқуши А. М. Горькийни ҳам ҳурмат билан эсга оладилар, улар ўртасидаги олижаноб, самимий дўстлик тўғрисида беихтиёр фикр юритадилар.

Ҳа, чиндан ҳам шундай! Л. Н. Толстой ва А. М. Горький бир-бирлари билан яқиндан алоқада бўлганлар, мустаҳкам дўстлик уларни бирлаштирган. М. Горький Толстойга чуқур ҳурмат билан қараган, бу улкан ёзувчи асарларини жон-дилидан севиб ўқиган ва уларга катта баҳо берган. У Лев Толстой ижодини юксак қадрлаган ва шунинг учун ҳам «Толстой — бутун бир олам демакдир» деб жуда ҳақ гапни айтган.

Бошқа рус ёзувчилари, композиторлари, музикашуносларини, ҳайкалтарошларини қатори М. Горький ҳам Толстой ҳузурида бўлиб, у билан тез-тез учрашиб турган. 1901 йил охирларида Толстой қаттиқ касалланиб, Қримда бир неча ой яшаб турганида ҳам Горький унинг ҳолидан хабар олиб турган эди.

М. Горький ўз хотираларида Толстой билан бўлган учрашувларини жуда севиб тасвирлайди, буюк санъаткорга ажойиб характеристика беради. У Толстой ҳақида қатор очерклар ҳам ёзди. Бу очерклларда Горький реалист ёзувчининг ижодини юксак баҳолайди.

Биринчи рус революцияси мағлубиятга учраганидан сўнг, реакция авж олган йилларни Толстой ва унинг ижоди атрофида турли хил оқимлар ўртасида қураш кетди. Бу кураш сиёсий характерга эга эди. Бунда: «Толстой нимаси билан буюк, у рус жамияти ва жаҳон маданиятига қандай ҳисса қўшаяпти?» деган масала кўндаланг турарди. Толстойнинг фақат заиф томонларига маҳкам ёпишиб олган буржуа-дворян реакцияси гениал ёзувчининг ижодидан ўз манфаати йўлида фойдаланишга уринди. Толстой атрофида авж олган курашни Ленин ва Горький ҳушёрлик билан кузатиб бордилар. Дастлаб Ленин бу масалада реакцияга қақшатгич зарба берди. М. Горький ҳам Толстойни ҳимоя қилиб, Толстой буржуа синфи идеологиясини эмас, аксинча, оддий меҳнаткаш рус кишиларининг ҳис-туйғуларини ифодаловчи улуғ рус ёзувчиси эканлигини кўрсатиб берди.

М. Горький Толстойни самимий севиш, унинг талантига юқори баҳо бериш билан бир қаторда, «толстойчилик»ка қарши кескин кураш олиб борди. У Толстойнинг зўрлик йўли билан «ёвузликка қарши турмаслик» насиҳатини деворларча тарғиб қилишини қатиқ қоралади ва умрининг охиригача «толстойчилик»нинг реакцион идеясига қарши курашди. В. И. Ленин бу масалада М. Горькийни қўллаб-қувватлаб турди.

Толстой адабий меросини ўрганишга биринчи бўлиб чақирганлардан бири М. Горький эди. У Толстой меросига материалистик позициядан туриб тўғри баҳо берди, унинг ўлмас бадиий асарларидаги прогрессив, халқчил хусусиятларни яққол кўрсатиб берди.

Совет кишилари Толстой адабий меросини чуқур ўрганмоқдалар ва мамлакатимизда коммунистик жамият қуришда бу меросдан ижодий равишда фойдаланмоқдалар.

Темур РАСУЛЕВ.

ЯСНАЯ ПОЛЯНА ҚИШЛОҒИДА

Улуғ адиб Лев Николаевич Толстой яшаб, ижод этган Ясная Поляна қишлоғига гўзал манзараларга бой ўрмонзор ичидан кириб борасиз. Рус табиати бу ерга ўзининг бутун гўзаллигини бахш этгандай. Хушманзара қайинзор, асрларнинг гувоҳи бўлиб турган дуб, шунингдек, куз аёзи кор қилмай, барглари ямяшил яшнаб турган арча дарахтларининг саф тортиб туриши, сувга ҳайдар кокилини ювмоқчи бўлган мажнунтоллар, олмазорлар — мана шуларнинг бари нафис ва гўзаллиги билан юрагингизни қитиқлайди, шу ерда яшаб, ижод этган улуғ ёзувчи Л. Н. Толстойни беихтиёр эсга солади.

Ҳа, Лев Николаевич Толстойни бизнинг м а м л а к а тимизадигина эмас, балки бутун жаҳонда миллион-миллионлаб кишилар билардилар ва унинг қутлуғ номини севиб тилга оладилар.

Унинг халққа илиқ меҳр ва гуманизм билан тўлиб-тошган тўқсон жилдли китоби жаҳон адабиёти хазинасини бойитиб турибди. Мутафаккирнинг жаҳон китобхонлари орасидаги мавқеи кун сайин ошиб бораётганлигини шу кунларда Ясная Полянага даре-дай оқиб келаётган китобхонлар тўлқинининг кўпайиб бораётганлигидан ҳам билиш мумкин.

Ясная Поляна узоқ тарихнинг ёрқин гувоҳидай яшнаб-яшариб турибди. Ахир, бу ерда буюк Толстой озмунча заҳмат чекмаганми, дейсиз! Ёзувчи дунёқарашининг ўзгариб боришига шу ердаги деҳқонларнинг ҳаёти, атрофдаги муҳит катта роль ўйнагач, шунинг натижасидагина «Уруш ва тинчлик», «Анна Каренина», «Тирилиш» каби ажойиб романлар бунёдга келган экан, бу ерни муқаддас билиб, зиёрат қилмоқлик не чоғлик бахт!

Толстой романларидаги аксарият қаҳрамонларни Ясная Поляна деҳқонлари номи билан атаган. Ёзувчининг қайси бир китобини варақламанг, Ясная Поляна табиатини ундан бемалол ўқиб оласиз. Айтишларича, Толстой асарларида шу ердаги кишиларнинг, қишлоқларнинг номлари эсга олинади, ҳатто айрим шахсларнинг характерлари айнан чизилган.

Ёзувчи ўзини қуршаб олган ҳаётни, одамларнинг ички ва ташқи дунёсини қанчалик яхши ўрганиб олганлигини шундан ҳам билиш мумкин. Ўрмон ичидаги сўқмоқдан юрар экансиз, кўз олдингизга бир неча марталар ёзувчи ҳузурида бўлган машҳур адиблар гавдаланиб келадилар. Шу сўқмоқ бўйлаб Толстой билан бирга-бирга фан, санъат, адабиёт оламининг машҳур адиблари — И. С. Тургенев, А. А. Фет, А. П. Чехов, Н. С. Лесков, В. Г. Короленко, А. М. Горький, И. Е. Репин ва бошқалар қўл ушлашиб юргандай бўлиб туюлади. Бу ерга улуғ ёзувчини зиёрат қилгалли ер юзининг турли бурчакларидан кўплаб машҳур олимлар, ёзувчилар ва санъаткорлар келиб турганлар.

Ёзувчи вафотидан сўнг унинг хотини Софья Андреевна чор Россиясининг бошида турган Николай II га бир неча марта мурожаат қилган, рус номи билан чамбарчас боғли бўлган Ясная Полянани ва ёзувчининг адабий меросини давлат ҳисобига ўтказишни илтимос қилган. Николай II бунга рад жавобини билдирган. Чор Россиясининг улуғ ёзувчига нисбатан бунчалик хунук муносабати марҳумнинг рафиқаси Софья Андреевнани ва толстойлар оиласини қаттиқ ғазаблантирган. Ясная Полянани сақлаб қолиш учун бутун оила курашган. Йиллар ўтиши билан оиланинг иқтисодий қийинчиликларга дуч келиши оқибатида йўлларда тинан ўсиб, сулув дарахтлар қурий бошлаган, Ясная Поляна ўзининг олдинги қиёфасини йўқота борган.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси туфайлигина Ясная Поляна қайтадан кўркамлашиб, миллионларнинг қадамгоҳига айланди. 1919 йилнинг кузида М. И. Калинин Ясная Полянани бориб кўрди. Шундан кейин Совет ҳукуматининг махсус қарори билан Ясная Поляна Давлат музейига айлантирилди, уни қайтадан тиклаш учун катта маблағ ажратилди. Владимир Ильич Ленининг ташаббуси билан Совет давлатининг алоҳида қарори чиқарилиб, ёзувчининг тўқсан томлик асарини нашр этиш лозим деб топилди. Бу томлардан чор цензураси рухсат бермаган асарлар ҳам жой олди.

Толстой хонасига кирадиган йўлларни ремонт қилиш учунгина ўша йили 58 минг сўм маблағ ажратилди. 1939 йилда эса Ясная Поляна СССР Фанлар академияси ихтиёрига ўтказилди. Бу ерда Толстойнинг ижоди ва ҳаётини акс эттирган, мунаммал жиҳозланган музей-уй ташкил этилган. Эндиликда бу ерни шунингдек кишилар келиб тамоша қилмоқдалар.

Тошпўлат ҲАМИД.
Москва — Ясная Поляна.

„ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ“
2-БЕТ,, 20 НОЯБРЬ, 1960 ЙИЛ.

Йиллик планини муддатидан илгари бажарган илғорлардан ўрнак олиб, суръатни янада оширингиз!

«ГУЛИСТОН» СОВХОЗИНИНГ ПЕШҚАДАМЛАРИ




Ўртоқ Иўлдош СОИМОВ, 4- бригада бошлиғи.



Ўртоқ Жўра ЭЛМУРОДОВ, 3- бригада бошлиғи.



Ўртоқ Маҳмуд ҒАНИЕВ, 1- бўлим агрономи.



Ўртоқ Карим УСМОНОВ, механик-ҳайдовчи.



Ўртоқ Виктор КОРОЛЕВ, механик-ҳайдовчи.



Ўртоқ Эшқул ОҚМУРОДОВ, бригада бошлиғи.

Яна 1300 тонна пахта берамиз

Совхозимиз коллективи Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг навбатдаги Пленуми шарафига бошланиб кетган социалистик мусобақани кучайтириб, 17 ноябрда йиллик пахта тайёрлаш планини шараф билан бажарди. Топширилган пахтанинг 90 проценти 1-сортга қабул қилинди. Бу совхоз экономикасини анча мустаҳкамлади.

Маълумки, бизнинг совхоз Мирзачўлнинг Шўрўзак массивидаги янги ўзлаштирилган ерларда жойлашган. Совхозимизнинг илғор бўлимлари ишчилари мана шу ерлардан юқори ҳосил олиш учун зўр ғайрат кўрсатиб, уюшқоқлик билан ишлаяпти. Шу туфайли мўлжалдагидан анча кўп ҳосил етиштирилди.

Ўртоқ Мисир Тоғаев бошлиқ бўлган 1-бўлимда йиллик план 117 процент, машина билан пахта териш плани 111 процент қилиб бажарилди.

Темир Раҳимов бошлиқ учинчи, Боқибой Ўрозимбетов бошлиқ бешинчи, Қаҳҳор Мамасолиев бошлиқ тўртинчи бўлимларнинг ишчилари ҳам совхозимизда пахта тайёрлаш планини бажаришда муносиб ҳисса қўшдилар. Совхозлари айрим бригадалар планларини 190 — 192 процент қилиб бажариб, ҳосилдорликни тенг баравар оширдилар. 1-бўлимдаги Жўра Элмуротов, Нарзи Сулаймонов, Иўлдош Саимов, 3-бўлимдаги Назар Худойдотов, Шаҳобиддин Маматқулов, 5-бўлимдаги Ачахон Мирзаева ўртоқлар бошлиқ бригадаларда ҳар гектар ердан 25—27 центнердан ҳосил йиғиб олинди. Бу, совхозимизда ҳосилдорликни ошириш учун катта имкониятлар борлигини кўрсатади.

Бу йил етиштирилган ҳосилни машина билан териб олишга катта эътибор берилди. 41 процент ҳосил машина билан териб олиниб, машина билан пахта териш плани 105 процент қилиб бажарилди. Шу туфайли етиштирилган ҳосилнинг таннархи анча орзанлашди. Айрим бригадаларда ғўза парвариши асосан техника ёрдами билан ўтказилгани, пахта машина билан териб олингани туфайли бир центнер пахта етиштириш учун сарфланган ҳаражат ўтган йилга нисбатан 40—50 сўм, совхоз бўйича 41 сўм камайди.

Механик-ҳайдовчилардан Виктор Королев, Ширмонхон Бойматова, Карим Усмонов, Султон Қоражанов, Тошжон Исоқов, Кродо Котесезо ўртоқлар «ХВС-1,2» ва «СХМ-48» маркали машиналарда 60—91 тоннадан пахта тердилар.

Кўпминг килограммчи теримчиларимиздан жуда кўп киши олган мажбуриятларини бажардилар, ҳозиргача 7—10 тоннадан пахта тердилар. Абдивали Диёров, Ҳажал Бозорова, Баҳор Шомуротова, Хадича Хатамқулова, Ўрол Худойбердиев, Ханифа Раҳимова, Обида Алиқулова, Гулшод Бобоева сингари мавсум бошидан бери хирмонга 7—10 тоннадан пахта топширган теримчилар мақташга сазовордир.

Коллективимиз бу йил фақат пахтачиликдагина эмас, бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлашда ҳам катта галабаларга эришдилар. Масалан, совхоз ташкил этилган йили 5 тонна гўшт тайёрланган бўлса, бу йил 200 тоннадан кўпроқ гўшт сотдик. Сут тайёрлаш планини 107, жун тайёрлаш планини 116, тухум тайёрлаш планини 128 процент қилиб адо этдик.

Шундай қилиб, совхозимизда у янги ташкил этилган 1957 йилга нисбатан 1960 йилда пахта етиштириш 3 марта, гўшт етиштириш 6 марта, сут етиштириш 2 марта кўпайди.

Совхозимизда пахта тайёрлаш плани бажарилган бўлса ҳам, ҳали районимизда, областимизда пахта тайёрлаш плани бажарилгани йўқ. Буни совхозимиз коллективи яхши ҳис қилади. Улар планни бажардик, ишимиз битди деб, бу курашдан четда қолмайдилар. Шунинг учун совхозимиз коллективи пландан ташқари яна 1300 тонна пахта териб топшириш тўғрисида қўшимча мажбурият олди. Бунинг учун далаларимизда етарли миқдорда ҳосил бор. Вазифа—терим суръатини сира бўшаштирмай давом эттиришдан иборат.

Ҳозир теримчилардан ташқари 9 та машина билан кўрак терилаяпти. Пахта йиғим-терими келгуси йил мўл ҳосили учун тайёрлик ишлари билан қўшиб олиб борилаётир. Одамларни катта группа қилиб ишлатиш билан бир йўла ҳосил йиғиб олиниб, шудгорга ер бўшатилаётир. Айрим ерларда ҳали ҳам машина билан пахта териляпти.

Бундан ташқари, 14 та ҳайдов трактори билан ерлар шудгор қилинаётир. Ҳозиргача 800 гектар ер шудгор қилиб қўйилди.

Совхозимиз шароитида ерларнинг шўрини ювиш жуда муҳим аҳамиятга эга. Шу туфайли 500 гектар ернинг шўрини ювиш учун техника ёрдами билан пол олинди.

Эндиги вазифа — қолган ҳосилни сира нобуд қилмай йиғиб олишдан, олинган мажбуриятни бажаришдан ва келгуси йил мўл ҳосили учун намунали тайёрлик кўришдан иборат. Совхозимиз коллективи уюшқоқ ва ижодий. Ҳеч шубҳасиз, улар бу вазифани шараф билан бажаришга қодирлар.

М. ҒАНИЕВ,
Гулистон районидаги «Гулистон» совхозининг директори.

ТАСС БАЁНОТИ

Киодо Цусин агентлигининг хабарига кўра, Япония бош министри Икэда 14 ноябрда матбуот конференциясида баёнот бериб, унда Япония ҳукумати Совет Иттифоқи билан сулҳ шартномаси тузишга интилмоқда ва тегишли музокараларни бошлаб юборишга тайёрдир, аммо СССРнинг позицияси бунга гўё халақит бермоқда, деган тасаввур қолдиришга уринди.

Икэданинг бундай баёноти Совет Иттифоқининг расмий доираларини гоят таажжублантирмоқда, бу баёнот ҳақиқий аҳволни бузиб кўрсатишга уринши, деб қаралмоқда. СССР билан Япония ўртасида сулҳ шартномаси тузилишига аслида ким халақит бермоқда?

Совет Иттифоқи ва Япония халқларига шу парса яхши маълумки, бош министр Киси истеъфо беришига қадар доим Совет Иттифоқига қарши қаратилган баёнотлар билан майдонга чиққан эди. Совет Иттифоқининг Японияга нисбатан позицияси аввалдагидек ҳозирда ҳам қуйидагилардан иборат бўлиб қолмоқда: Совет Иттифоқининг яқин қўшнисиз бўлган Япония билан тинч ва дўстликда яшаш, тенглик, мустақиллик ва суверенитетни ўзаро ҳурмат қилиш, бир-бирларининг ички ишларига аралашмаслик асосида ҳамкорлик қилишдан бошқа нияти йўқ.

Совет ҳукумати эмас, балки Япония ҳукумати совет-япон қўшма декларациясининг моддаларига хилоф суратда музокараларни бошлаб юбориш ва сулҳ шартномаси тузишдан тўрт йилдан буён ҳар қандай йўллар билан бўйин товлаб келаётганлиги яхши маълум.

Япония ҳукумати ҳозирги вақтда сўзгагина ўзини Совет Иттифоқи билан муносабатларни яхшилаш тарафдори қилиб кўрсатишдан қайтмаётир. Амалда эса, у АҚШ билан тузилган ҳарбий шартномага мувофиқ ўз мамлакатининг территориясини, аввал, Совет Итифоқига қарши қаратилган чет эл ҳарбий базалари учун бўшатиб берди ва Узоқ Шарқда аҳволни кескинлаштираётган Америка ҳарбийларининг агрессив тадбирларига ёрдам бермоқда.

Икэда яқинда «Биз Америка ёрдамига таяниб, Совет Иттифоқига қарши туришимиз лозим», деди ва бу билан япон ҳукмрон доираларининг милитаризмини қайтадан тиклаш ва Японияннинг тинчликсевар қўшниларига қарши ҳарбий блокада вужудга келтириш сиёсатини ўтказиб келаётганлигини фош қилиб қўйди. Тинчлик иши учун хавфли бўлган бу сиёсат иккинчи жаҳон уруши тамом бўлганидан кейин ўн олти йил ўтган бўлсада СССР билан Япония ўртасида сулҳ шартномаси ҳали ҳам имзоланмаганлигига сабаб бўлмоқда.

Япония ҳукумати АҚШ билан тузилган ҳарбий шартнома юзасидан олинган мажбуриятлар билан ўзини боғлаб қўйиб, Совет-Япония муносабатларининг узил-кесил нормаллаштирилиши йўлида ҳар хил говларни қасддан вужудга келтирмоқда. Япония ҳукумати худди шу мақсадда территория масаласи деб аталган масалани жўрттага жуда бўрттириб кўтариб чиқмоқда ва мамлакатда реваншчилик кайфиятларини вужудга келтирмоқда.

Шундай қилиб, Совет Иттифоқининг Япония билан чинакам яхши қўшничилик муносабатлари ўрнатиш йўлидаги ҳаракатлари ҳозирча кутилган натижаларни бермаётганлиги учун Совет Иттифоқи айбли эмаслиги аёндир. Япония бош министрининг ҳозирги кунда СССР билан сулҳ шартномаси тузиш тўғрисида баёнот бериб, ҳақиқий аҳволни бузиб кўрсатиши унга нима учун керак бўлиб қолибди? Япония парламентига яқинда сайлов ўтказилажагини эътиборга олганда, бу саволга жавоб қайтариш қийин эмас.

Совет ҳукумати совет ва япон халқлари ўртасида чинакам дўстона муносабатлар ўрнатишни аввалдагидек ҳозирда ҳам астойдил истайди. Совет давлати барпо қилинганидан буён ўтган 43 йил ичида СССР билан Япония ўртасида Япония ҳукуматининг айби билан чинакам яхши қўшничилик муносабатлари ўрнатилмай келди. Японияннинг антисовет позицияда турган ҳозирги ҳукумати шу тўғрида қандай фикрда экан? Ахир, бу нарса япон халқи учун ва Узоқ Шарқдаги барча халқлар учун бахтсизлик келтирмадими? Совет расмий доиралари Япония ҳукуматининг бундай позицияси тўғрисида гоят таассуф қилмоқдалар.

СССР Олий Совети палаталарининг доимий комиссияларида

СССР Олий Советининг навбатдаги сессияси муносабати билан Иттифоқ Совети ва Миллатлар Советининг бюджет комиссиялари ва Миллатлар Советининг иқтисодий комиссияси СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1961 йилги план лойиҳасини, СССРнинг 1961 йилги Давлат бюджети лойиҳасини ва 1959 йилги Давлат бюджетининг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботни қараб чиқишга киришдилар. СССР Министрлар Совети ана шу лойиҳа ва ҳисоботни СССР Олий Советининг тасдиқига тақдим этди.

План ва бюджетнинг айрим қисмларини қараб чиқиш учун комиссияларда кичик комиссиялар ташкил этилди.

Комиссияларнинг ишида иттифоқчи республикалар Министрлар Советларининг вакиллари, СССР Госплани, СССР Молия министрлиги ва СССРнинг бошқа министрликлари ҳамда бошқармаларининг вакиллари қатнашмоқдалар.

Шу йил 18 ноябрда Кремлда палаталар бюджет комиссиялари ва Миллатлар Совети иқтисодий комиссиясининг қўшма мажлиси бўлди. СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, СССР Госпланининг раиси В. Н. Новиков СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1961 йилги план лойиҳаси тўғрисида доклад қилди. СССР Молия министри В. Ф. Гарбузов СССРнинг 1961 йилги давлат бюджети тўғрисида ва 1959 йилги бюджетнинг бажарилиши ҳақида доклад қилди.

Комиссияларнинг иши давом этмоқда. (ТАСС).

Қорақум канали қурувчиларининг катта ғалабаси

Қорақумда 140 километр узунликдаги Мари-Тажан каналининг иккинчи навбат қисмини қуриш ишлари муддатидан икки ой илгари тугалланди.

Қорақум каналининг иккинчи навбати ишга туширилганлиги натижасида Мурғоб ва Тажан воҳалари сув намчиллигидан ва ҳалокатли қурғоқчиликдан абадий халос бўлади, унумдор қўриқ ерларда анча массивларни ўзлаштириш учун кенг имкониятлар вужудга келади.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети Қорақум канали қурилишида қатнашган ишчилар, колхозчилар, инженер-техник ходимлар, хизматчилар, партия, совет, комсомол ва касаба союз ходимларини ҳамда Туркманистон ССРнинг ҳамма меҳнаткашларини катта ишлаб чиқариш ғалабаси билан табрикладилар. (ТАСС).

ЕТТИ ЙИЛЛИКНИНГ ОЛДИНГИ САФЛАРИДА

Рационализаторларнинг область слёти

Тошкент область рационализаторлари йил бошидан бери жорий қилган техника янгиликлари давлатнинг икки юз миллион сўмга яқин маблағини тежаб қолади. Рационализаторлар ва ихтирочиларнинг 18 ноябрда бўлган область слётида ана шу рақам келтирилди.

Область партия комитетининг секретари А. М. Илюхин қилган докладида ва сўзга чиққанларнинг нутқларида кўпгина корхоналарда рационализаторлик ва ихтирочилик ҳаракати чинакам оммавий тус олганлигини таъкидладилар. Шу йилнинг тўққиз ойи ичида ишлаб чиқаришга деярли 11 минг таклиф жорий қилинди. Бу эса ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 45 процент кўпдир.

Чирчиқ электр кимё комбинатида ҳар ўн ишчидан бири рационализатордир. Бу ерда янгиликларни жорий қилишдан олинган тежам бу йил икки миллион сўмдан ошиб кетди. Комбинатда ташкил қилинган рационализаторлар мактабида фан ва техника муваффақиятлари ҳақида мунтазам тарзда лекция ва докладлар ўқилади, фильмлар кўрсатилади. «Ташкенткабель» заводида ишлаб чиқариш новаторларининг сафи ўсмоқда. Улар жорий қилган янгиликлар 7 миллион сўм тежам беради.

Слёт қатнашчилари комплекс бригадалар ташкил қилиш тажрибасини алмашдилар. Ҳозир саноат корхоналарида икки юздан кўпроқ комплекс бригада бор. «Ташсельмаш» заводининг слесари Петр Махров бошлиқ ана шундай бригада пахта териш машинаси ишлаб чиқаришни такомиллаштириш учун кўпгина иш қилмоқда. Новаторлар яратган бир неча автомат деталларни ишлашга сарфланадиган меҳнатни камайтирди, кўпгина металл қирқувчи станоклардан бошқа ишларда фойдаланиш имконини берди.

Ихтирочилар катта халқ хўжалик аҳамиятига эга бўлган қимматли техника идеялари билан чиқмоқдалар. Радио деталлари заводининг собиқ слесари, ҳозир Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ядро физикаси институтида конструктор бўлиб ишлаётган А. Семеничевнинг иккита авторлик гувоҳномаси бор. СоюзНИХИ илмий ходими В. Хрусталев эса саккизта гувоҳномага эга.

Слётда Москвадаги «Каучук» заводи новаторларидан намуна олиш ҳаракатини янада ривожлантиришга алоҳида эътибор берилди. Бу завод новаторлари етти йиллик номидаги рационализаторлик фондини вужудга келтириш ташаббусини бошлаб бердилар. Бу фондга «Ташкенткабель» заводининг новаторлари 50 миллион сўм, Чирчиқ электр кимё комбинатининг ихтирочилари 37 миллион сўм қўшишга қарор қилдилар. Тошкент тўқимачилик комбинатида, «Узбексельмаш» заводида ва бошқа кўпгина корхоналарда етти йиллик фондлари ташкил қилинди.

Докладда ва нутқларда рационализаторлар етарли мадад олмаётган корхоналарнинг раҳбарлари адресига кўпгина таъналар айтилди.

Слёт қатнашчилари область рационализаторлари ва ихтирочилари номидан социалистик мажбурият қабул қилдилар. Мажбурият-да етти йиллик охиригача киритилган таклифлар сонини 150 мингга етказиш, етти йиллик фондига камида 900 миллион сўм қўшиш кўзда тутилади. Ҳамма йирик корхоналарда жамоатчилик асосида ишлайдиган конструкторлик бюролари ва рационализаторларнинг комплекс бригадаларини тузишга, йилнинг биринчи ярмида ихтирочилар ва рационализаторлар жамиятининг бошланғич ташкилотларини тузиш юзасидан ишларни тугаллашга қарор қилинди.

Слёт областдаги саноат ва транспорт корхоналари, қурилишлар ва қишлоқ хўжалигининг барча ишчилари, инженерлари ҳамда техникларига қарата Мурожаат қабул қилди. (ЎзТАГ).

Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитети ва шаҳар ижроия комитетида

Тошкент шаҳар партия комитети ва шаҳар ижроия комитети бу йилги ҳосилни йиғиб-териб олишда область колхоз ва совхозларига актив ёрдам бераётган шаҳар районлари ўртасидаги социалистик мусобақанинг 11 ноябрдан 15 ноябргача бўлган якунини кўриб чиқдилар.

Шаҳар партия комитети ва шаҳар ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғи **Октябрь районига** берилди (район партия комитетининг секретари **Нишонов**, район ижроия комитетининг раиси **Мирхўжаев**, район комсомол комитетининг секретари **Алиева** ўртоқлар). Бу район пахта йиғим-теримига 8925 кишини жалб этган, мавсум бошидан бери 11 минг 75 тонна пахта терган ёки берилган топшириқни 55,4 процент бажарган ва ўтган беш кунликда 5,8 процент пахта териб топширган, ҳар бир теримчи ўрта ҳисобда бир кунда 29,7 килограммдан пахта терган. Байроқ Ленин районидан олиб берилади.

Ленин районининг яхши ишлаганлиги қайд қилинди (район партия комитетининг секретари Содиқов, район ижроия комитетининг раиси Пискорская, район комсомол комитетининг секретари Садриддинов ўртоқлар). Бу район бўйича пахта йиғим-теримига 6396 киши жалб этилган, мавсум бошидан бери 11928 тонна, ўтган беш кунликда эса 969 тонна пахта терилган.

500 МИНГ ТОННАГА ҚЎШГАН ҲИССАМИЗ

Қўшни колхозларнинг азамат пахтакорлари сингари бизнинг колхозимиз аъзолари ҳам маррага етдилар. Улар КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги Пленуми шарафига муносиб совға тайёрлаш мақсадида ўзаро социалистик мусобақани кенг авж олдириб, она Ватанга пландаги 2314 тонна ўрнига 2326 тонна «оқ олтин» етказиб бердилар. 81 процент пахта биринчи сортга қабул қилинди.

Бизнинг колхоз билан бирлашган «Меҳнат бирлик» участкасида гектаридан олинган ҳосил ўтган йилгига нисбатан 6 процентдан ошди.

Бундай муваффақиятларга механизациядан кенг фойдаланганлигимиз, агротехника қоидаларига амал қилганлигимиз, ишчи кучларидан, техника воситаларидан тўла ва унумли фойдаланганлигимиз туфайли эришдик. Бу йил машина билан пахта териш планининг 100,7 процент бажарилганлиги эришган ютуқларимиздан биридир. Машина қўл келганлиги туфайли йиғим-терим суръати кундан-кунга ошиб борди. Пахтанинг таннархи ҳам ўтган йилгига нисбатан бир мунча арзонлашди.

Қўлга киритган ютуқларимиз ҳақида фикр юритар эканмиз, баракали хирмонга муносиб ҳисса қўшган механик-ҳайдовчилар, кўпминг килограммчи теримчилар, илғор звено ва бригадаларимиз ҳақида ҳар қанча фахрланиб сўзласак арзийди. Ҳамид Пўлатов, Хурсанали Обидов, Холдор Русматов, Али Каримов, Ғаффор Носиров ўртоқлар каби қатор бригадирларимиз пахта тайёрлаш йиллик планини 106—131 процентгача адо этдилар.

Колхозимиз аъзолари ўз ички имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, жонажон партиямиз Марказий Комитетининг Пленуми очилиш кунигача Ватанга яна 300 тонна «оқ олтин» етказиб беришдек юксак социалистик мажбурият олдилар. Бу бизнинг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг республикамизнинг барча меҳнаткашларига қарата ёзган Мурожаатига жавобимиз бўлади.

Колхозимизда қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари ҳам пахтачилигимиз сингари йилдан-йилга ривожланиб бормоқда. Улуғ етти йилликнинг иккинчи йилида давлатга пилла сотиш планини 152,3 процент бажариб, бу соҳада 1964 йилга мўлжалланган даражага етиб олдик. Ғалла тайёрлаш 119 процент, шоли 106, узум сотиш 102 процент бажарилди.

Чорвачилик соҳасида қўлга киритган ютуқларимиз ҳам талайгина. Давлатга икки йиллик планда мўлжалланганидан анча ортиқ гўшт отказиб бердик. Сут сотиш плани 101 процент, жун 119,6 процент, тухум сотиш плани 118,8 процент бажарилди. Эндиги вазифа ана шу дастлабки муваффақиятларни мустаҳкамлашдан иборат эканлигини колхозимиз аъзолари жуда яхши тушунадилар. Шу мақсад билан дағал ем-хашак тайёрлаш планини 101 процент, давлатга пичан сотиш планини 100 процент бажардик. Соғин сигирлар учун етарли миқдорда силос бостирилди.

Колхозимизда шу кеча-кундузда ҳам иш қизғин. Далада қолган ҳосилнинг сўнгги граммигача йиғиб-териб олиб, юксак мажбуриятни ортиги билан бажариш учун барча зарур тадбирлар амалга оширилаяпти. Шу билан бир қаторда келгуси йил мўл ҳосили учун пухта замин тайёрлаш, чорва қишловини намунали ўтказиш каби шу куннинг энг муҳим вазифаларини бажаришга катта эътибор бермоқдамиз. Эркинлардан бўшаган ерлар пешма-пеш шудгор қилинмоқда. Ҳеч шубҳасиз 1961 йилда ҳам бу йилгидан кўра каттароқ муваффақиятларга эришамиз.

Н. НИШОНБОЕВ,
Юқори Чирчиқ районидаги «III интернационал» колхозининг раиси.

Пахта ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ

(19 ноябргача бўлган маълумот)

Районлар ва совхозларнинг номи	Бир кунда процент ҳисобида		Мавсум бошидан процент ҳисобида		Машина терими, мажбуриятга нисбатан процент ҳисобида	
	Мажбурият	План	Мажбурият	План	Бир кунда	Мавсум бошидан
РАЙОНЛАР БЎЙИЧА						
Юқори Чирчиқ	0,64	0,78	96,39	118,22	—	113,34
Қуйи Чирчиқ	0,85	0,97	81,65	98,94	0,38	84,55
Ўрта Чирчиқ	0,71	0,78	76,12	83,55	1,58	65,73
Бўка	0,58	0,63	73,37	80,25	0,86	90,78
Пискент	0,65	0,72	71,89	79,88	1,83	79,97
Чиноз	0,66	0,71	71,87	76,70	1,19	44,40
Сирдарё	0,64	0,69	66,32	70,95	0,22	65,45
Оққўрғон	0,55	0,60	65,70	72,05	0,77	58,78
Оржоникидзе	0,88	1,02	64,14	74,87	—	40,88
Янгийўл	0,57	0,64	63,31	71,80	0,10	47,41
Гулистон	0,63	0,72	59,15	67,87	1,34	49,14
Янгиер шаҳри	0,64	0,69	56,89	63,95	1,29	66,47
Бекобод	0,70	0,82	57,11	66,14	1,94	58,17
Область бўйича	0,66	0,72	67,35	74,01	1,08	62,43
СОВХОЗЛАР БЎЙИЧА						
«ЎзССР беш йиллиги»	0,90	1,01	80,00	90,21	0,32	85,12
«Пискент»	0,74	0,84	71,13	80,53	2,11	87,06
«Бўка»	0,36	0,45	69,78	87,23	0,31	98,00
«Малик»	0,60	0,72	68,77	82,52	0,65	81,48
«Фарҳод»	1,09	1,11	64,72	66,15	1,50	70,40
«Социализм»	0,94	1,18	63,99	80,50	2,40	60,90
1-«Далварзин»	0,71	0,79	62,28	69,60	1,24	67,64
«Оққўрғон»	0,56	0,62	61,99	68,41	0,76	58,80
«Гулистон»	0,33	0,54	61,20	100,89	0,89	66,40
1-«Боёвут»	0,57	0,63	60,81	67,07	1,22	68,24
Киров номли	0,74	0,85	59,08	68,13	0,17	40,29
3-«Боёвут»	0,63	0,68	56,60	61,41	1,53	78,51
«Мирзачўл»	0,47	0,59	54,78	68,98	0,72	29,96
2-«Далварзин»	0,69	0,87	51,31	64,85	1,76	63,26
«Чаноқ»	0,41	0,53	50,82	66,55	1,39	49,28
2-«Боёвут»	0,31	0,32	45,91	48,60	0,83	54,73
«Дружба»	0,41	0,43	40,32	42,24	—	8,29



Суратларда: (чапдан) Юқори Чирчиқ районидаги «III Интернационал» колхозининг раиси Ниёз Нишонбоев, колхознинг илғор теримчиларидан Зувра Шерова, Эргаш Аҳмедов, Раҳима Нурмонова, колхознинг бош агрономи Исмоил Норбоев ва чевар теримчи Тўйғул Эгамбердиева ўртоқлар. М. Шевелев фотолари.

Халқаро аҳвол

СОВЕТ ЁЗУВЧИЛАР СОЮЗИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ВАШИНГТОНГА ҚЕЛДИ

ВАШИНГТОН, 18 ноябрь. (ТАСС). СССР Совет ёзувчилари союзининг К. Симонов, В. Панова, Э. Межелайтис ва Е. Романовалардан иборат делегацияси бу ерга келди. Делегация АҚШда бир ой бўлиб, Вашингтондан ташқари Нью-Йорк, Янги Орлеан, Спрингфилд, Буффало ва Бостон шаҳарларига борадилар. Совет ёзувчиларининг АҚШда бўлиши программасида кўзда тутилишича, улар америкалик коллегалари билан учрашадилар. Қўшма Штатларнинг театр тасвирий санъати билан танишадилар.

ХАЛҚАРО СУДНИНГ ЯНГИ АЪЗОЛАРИ САЙЛАНДИ

НЬЮ-ЙОРК, 18 ноябрь. (ТАСС). Бу ерда Хавфсизлик Кенгашининг мажлислари ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг ялпи мажлислари бўлди. Бу мажлислар халқаро суд аъзоларини сайлашга бағишланди. Англиянинг халқаро суддаги вакили Херш Лаутерпахт вафот этганлиги сабабли, инглиз Жеральд Фитцморис халқаро суд аъзоси қилиб сайланди.

Шундан кейин, халқаро суднинг ваколат муддати келгуси йил бошларида тамом бўладиган аъзолари ўрнига 5 янги аъзо сайланди. Владимир Корецкий (СССР), Филип Жессеп (АҚШ), Котаро Танака (Япония), Гаэтано Морелли (Италия) ва Хосе Луис Бустаманте-и-Риверо (Перу) сайландилар.

БОЛИВИЯДА ФАВҚУЛОДДА ҲОЛАТ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

НЬЮ-ЙОРК, 18 ноябрь. (ТАСС). Ассошиэйтед Пресс агентлигининг хабар беришича, Кочабамба департаментида деҳқонлар ғалаёнлари муносабати билан Боливия ҳукумати мамлакатда фавқулодда ҳолат жорий қилиш тўғрисида буйруқ берган.

Информация агентликларининг хабар беришича, қуролли деҳқонлар билан полициячилар ва армия қисмлари ўртасида бўлган тўқнашувлар вақтида 100 дан ортиқ киши ўлдирилган. Ҳукумат мамлакатнинг пойтахти Ла-Пас шаҳрида ғалаёнлар эҳтимолининг олдини олиш учун бу шаҳарга қўшинлар киритган.

* * *

НЬЮ-ЙОРК, 18 ноябрь. (ТАСС). Ассошиэйтед Пресс агентлиги хабар беради: Кочабамба департаментида деҳқон ғалаёнлари бошланганлиги муносабати билан Боливия ҳукумати мамлакатда фавқулодда ҳолат жорий қилиш тўғрисида буйруқ берди.

Москвада артиллерия кунига бағишланган тантанали мажлис

МОСКВА, 18 ноябрь. (ТАСС). Бугун Совет Армияси Марказий театрида Артиллерия кунига бағишланган тантанали мажлис бўлди.

Байрамдагидек безатилган тамоша зали Москва гарнизонининг жангчилари, ишлаб чиқариш новаторлари, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг вакиллари, фан, адабиёт ва санъат арбоблари билан тўлди.

Совет Иттифоқи маршаллари А. А. Гречко, М. В. Захаров, К. С. Москаленко, Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти бош сиёсий бошқармасининг бошлиғи армия генерали Ф. И. Голиков ва бошқалар Президиум столи ёнида пайдо бўлганларида ҳамма уларни самимий кутиб олди.

КПСС Марказий Комитети Президиумидан иборат Фахрий президиум гулдурос қарсаклар остида сайланди.

Тантанали мажлисни Совет Армияси артиллерия қўмондони, Совет Иттифоқи Қаҳрамони, артиллерия маршали С. С. Варенцов очди. У айтдики, совет кишилари Артиллерия кунини нишонлаганларида ўзларининг шонли фарзандлари — артиллериячиларни ҳурматлаб тилга оладилар. Энг қудратли ҳарбий техникани эгаллаган ракетачи жангчилар улар қаторида фахрли ўрин оладилар.

Артиллериячи жангчилар бу умум халқ байрами кунида коммунизм қураётган халқимизнинг тинч меҳнатини бундан буён ҳам хушёрлик билан қўриқлаймиз, деб совет халқига, Коммунистик партия ва ҳукуматга ваъда берадилар.

Шундан кейин Москва жамоат ташкилотларининг вакиллари артиллериячи жангчиларни табриклади лар. (ТАСС).

„ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ“
4 БЕТ, 20 НОЯБРЬ, 1960 ЙИЛ.

Сиёсий комитетда

НЬЮ-ЙОРК, 18 ноябрь. (ТАСС). Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси Сиёсий комитетининг кеча эрталабки мажлисида қуролсизланиш масаласи яна муҳокама қилина бошлади. Бугунги мажлис ёппасига ва батамом қуролсизланиш идеяси бутун дунёда юз миллионларча кишиларнинг онгига сингиб кетган бир шароитда ёппасига ва батамом қуролсизланиш тўғрисидаги шартноманинг тузилишига халқият беришга интилаётган Ғарб мамлакатлари жуда мушкул аҳволга тушиб қолганликларини ёқин кўрсатди. Ғарб давлатларининг делегатлари шу ҳақдаги совет таклифлари масалага «бир томонлама қараш»ни кўрсатади, бу эса, «социалистик мамлакатларгагина» мақбул, деган баҳона билан шу вақтгача ана шу таклифларга қарши чиқиб келган эдилар. Эндиликда зўр бериб қуролланиш тарафдорларининг ўз вазифаларини бажаришлари жуда ҳам мушкуллашиб қолди. Сиёсий комитетнинг аввалги мажлисида ўн бир бетараф мамлакат — эндиликда ўн икки мамлакатнинг (Цейлон бу лойиҳанинг авторларидан бири бўлиб қўшилди) резолюция лойиҳаси тақдим этилган эди. Бетараф мамлакатлар лойиҳасининг муайян нуқсонлари бўлишига қарамай, у асосий вазифага жавоб беради. Бу лойиҳа ёппасига ва батамом қуролсизланиш тўғрисида битим тузиш учун асос бўладиган директиваларни таклиф этади.

Совет Иттифоқи бетараф мамлакатларнинг резолюция лойиҳасини қўллаб-қувватлади. Америка делегацияси бу резолюция «Қўшма Штатлар учун мақбул эмас» деди.

Кеча Англиянинг ташқи ишлар бўйича давлат министри Ормсби Гор қуролсизланишга ҳар қандай йўллар билан халақит беришга интилаётган Ғарб доираларининг адвокати сифатида хунук роль ўйнади. Гор ўн икки мамлакат резолюцияси лойиҳасининг авторларини, даставвал, мақтаган бўлиб, кейинчалик Англия делегациясининг лойиҳа юзасидан қўядиган «шартлари» бор, деди. Англия делегати ўз нутқида Совет Иттифоқининг қуролсизланиш масаласидаги позициясини сурбетларча бузиб кўрсатишга кўп ҳаракат қилди. Ана шу найранг Англия делегатига ўн икки мамлакат лойиҳасини «турлича талқин қилиш мумкин» деб айтиши учун керак бўлиб қолибди.

Мажлисни олиб бориш тартиби тўғрисида сўз олган совет вакили В. А. Зорин Англия делегатининг ҳийла-найрангларини фош қилди. В. А. Зорин Ормсби Гор ўн икки мамлакат резолюцияси ўртага қўйган масалаларга жавоб беришдан бўйин товлаганлигига Сиёсий комитет аъзоларининг эътиборини жалб этди. Қуролсизланиш проблемасини ҳал этиш астойдил исталаётган экан, бу масалаларга эътибор бермай бўлмайди. Агар сиз, деди Зорин, резолюцияни нотўғри талқин қилаётирсиз, деб ҳисоблайдиган бўлсангиз, уни тўғри талқин этиб беринг. Сиз резолюциянинг асосий қоидаларига қарши чиқмоқдасиз. Сиз бир жойга тўпланиб, ёппасига ва батамом қуролсизланиш тўғрисидаги шартноманинг асосий моддаларини ишлаб чиқиш билан шуғулланишга розимисиз? Буни очиқ айтиб беринг. Сиз қуролсизланиш соҳасида жузъий тадбирлар кўришдан иш бошлаш керак, деган гапни асос қилиб олиб, резолюцияга қарши эътироз билдирмоқдасиз. Модомики, шундай экан, Сиёсий комитетга тақдим этилган кўп лойиҳаларда, шу жумладан ўн икки мамлакат резолюциясининг учинчи пунктида таклиф этилган жузъий тадбирларнинг амалга оширилишига розимисиз? Бу тадбирларга тарафдормисиз, ёки уларга қаршимисиз? Шуни очиқ айтиб беринг.

Англия делегати пировардида, ўн икки бетараф мамлакат резолюция лойиҳаси «ҳозирги шаклида» қола берса, менинг делегациям бу лойиҳани қўллаб-қувватлай олмайди, деди. Англия делегатининг «ўз обрўсини сақлаб қолиш» йўлидаги уринишлари барбод бўлди. У, ўзини қуролсизланиш душмани сифатида фош қилиб қўйди.

Сиёсий комитетнинг кечаги мажлисида Австрия, Непал, Венесуэла, Польша, Эфиопия ва Ирландия вакиллари ҳам сўзга чиқдилар.

Польша вакили Юзеф Виневич ёппасига ва батамом қуролсизланиш тўғрисида бир битимга келиш учун шарт-шароит вужудга келтирадиган тадбирлар тўғрисида ўз делегацияси томонидан илгари тақдим этилган резолюция лойиҳаси ҳақида батафсил гапирди. У, ўн икки мамлакат резолюцияси лойиҳасининг авторлари ҳам катта фойдали иш қилганликларини таъкидлади ва бу резолюциянинг бир оғиздан қабул қилинишига имконият бермасликка уринаётган Ғарб мамлакатларининг позициясидан ҳафсаласи пир бўлганлигини айтди.



Суратда: Бекобод цемент комбинати.

Б. Мазур фотоси, (ЎзТАГ фотохроникаси).

Москвага 2 суткаю 6 соатда борасиз

Яқин кунларда республикамиз пойтахтидан «Тошкент — Москва» экспресс поезди Ватанимиз пойтахтига қатнайбошлайди. Экспресс йўловчиларга катта қулайлик туғдиради. У сизни Москвага одатдаги скорий поездга ўхшаш уч суткадан ортиқ вақт ичида эмас, балки икки суткаю, олти соатда олиб боради.

Экспресс составида энг янги конструкциядаги 10 та вагон бор. Состав иккита юмшоқ (икки ва тўрт ўринли купели), 7 та тўрт ўринли комфортабел купели вагонлардан иборат. Экспрессдаги вагон-ресторан кечасию-кундузи йўловчиларга хизмат қилади.

Ҳозир темирйўл Тошкент бўлимининг проводниклар резервида янги поездга хизмат қилувчи махсус бригада тайёрланмоқда. Экспрессга билетларни олдиндан сотиш ва уйга элтиб бериш ташкил қилинади.

Келгусида шундай экспресслар Тошкентдан Ашхабод ва Сталинободга ҳам қатнайдиган бўлади.

ТУНИС ВА ЛИВИЯГА САЁҲАТ

Республика туристларидан бир группаси яқинда Тошкентдан самолётда Москвага жўнаб кетдилар. Улар Ватанимиз пойтахтидан Парижга йўл оладилар. Кўҳна шаҳарни айлангач, туристлар Тунис ва Ливияга борадилар. Улар бу мамлакатларнинг Тунис, Керуан, Гафса, Ганес, Сбейтла, Сфакс, Сусс, Миромар, Триполи, Гариан, Сабрата, Лейтис ва Могна шаҳарларида бўладилар.

Саёҳат 12 кун давом этади.

Узбекистон меҳнаткашларидан бир группаси янги йилнинг бошларида «Эстония» теплоходида Одессадан Туркия, Италия, Марокаш, Тунис, Гвинея, Сенегал, Фил суяги қирғоқлари ва Греция мамлакатларини бўйлаб 37 кунлик денгиз саёҳатига чиқадилар.

Т. ЗУФАРОВ.

«ҚУЧАТ ЎТКАЗИШ ОЙЛИГИ» ДАВОМ ЭТМОҚДА

Хотиржам бўлиб юрибдилар

Пойтахтимиз Фрунзе районининг бугуни кечагидан эртаси бугунгидан гўзал территория кўкаламзор ва обод бўлиб бормоқда. Район территориясида бу йил ҳар вақтдагидан ҳам кўп турли хилдаги гуллар, манзарали ва мевали дарахтлар экиш планлаштирилган. Районга қарашли корхона ва ташкилотларнинг ишчи-хизматчилари пойтахтимизда ўтказилаётган «кўчат ўтказиш ойлиги»га ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Район коммунал хўжалик бўлимининг ходимлари шу кунга қадар Чиланзор, Оқтепа массивлари ва Шота Руставели, Қозиробот ҳамда бошқа кўчаларга 3 мингдан ортиқ дарахт кўчатлари ўтказиб қўйдилар. Кўп йиллик гуллар ҳам экила бошланди.

Лекин кўпгина ташкилотлар бу ишга етарли аҳамият бермаётирлар. Тошкент тўқимачилик комбинати территориясига бу йил 25 минг туп дарахт кўчатларини ўтказиш керак.

— Планимиз катта, лекин ҳали «Лесопитомник» бизни ақалли бир туп кўчат билан ҳам таъминлагани йўқ, — дейди комбинат транспорт бўлимининг бошлиғи ўртоқ И. В. Иваненко.

— Институт комсомоллари кўчат ўтказиш ойлигига қандай ҳисса қўшмоқдалар? — сўрадик Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти комсомол комитетининг секретари ўртоқ Ф. Нурматовадан. Секретарь бу саволдан таажжубланди.

— Қанақа ойлик? — ажабланиб сўради у. — Дарвоқе, табиёт факультетининг студентлари дарахт экишаётган эмиш, лекин аниғини билмайман.

Наҳотки, ойликда ҳаммага намуна кўрсатиб ишлаши зарур бўлган комсомол-ёшларнинг раҳбари муҳим кампаниядан бехабар бўлса! Бундай аҳволни район мактабларида ҳам учратиш мумкин. 25-мактаб (директори М. И. Харчин) ва 48-мактаб (директори Ф. И. Буколов)ларда ҳам шу кунга қадар бирон туп дарахт кўчати ўтқазилгани йўқ.

Жойларда аҳвол шундай-ку, район коммунал хўжалик бўлимининг агрономлари С. Ҳакимов ва М. Смирнова ўртоқлар «ташкилотларга неча туп кўчат ўтқазиш ҳақида план берганмиз» деб, хотиржам бўлиб юрибдилар.

Ойликнинг ярмидан кўпи ўтиб бораяпти. Агар совуқ ва ёғингарчилик бошланиб қолса, кўчат ўтқазиш ишлари ўлда-жўлда қолиб кетади. Шунинг учун ҳам барча ташкилотлар ва район коммунал хўжалик бўлими ноябрнинг қолган кунларидан унумли фойдаланишлари керак.

Доимо навқирон шаҳримиз ҳамиша баҳор либосига ўралсин, майсазор ва чаманзор, гуллар ўлкаси бўлсин деган ҳар бир киши яхши ният билан кўчат ўтқазсин.

К. ХОЛМУҲАМЕДОВ.

КУБА ДЕЛЕГАЦИЯСИ ТОШКЕНТДАН ЖЎНАБ КЕТДИ

«26 июль ҳаракати» ташкилий масалалар бўйича секретари доктор М. Г. Пуэнте Ферро бошчилигидаги Куба революцион ташкилотлари делегацияси Ўзбекистонда уч кун меҳмон бўлиб, 19 ноябрда Тошкентдан Москвага жўнаб кетди.

(ЎзТАГ).

Сўм таркибидаги олтиннинг янги миқдори

СССР Министрлар Советининг қарорига мувофиқ 1961 йилнинг 1 январидан бошлаб, сўмнинг таркибидаги олтин миқдори 0,987412 грамм соф олтин миқдоригача оширилади ва чет давлатларнинг валюталарига нисбатан сўмнинг курси оширилади. СССР Давлат банки 1 грамм соф олтинни 1 сўмга сотиб оладиган бўлади, бир доллар эса аввалги 4 сўм ўрнига 90 тийин қилиб белгиланади. СССР Давлат банкига сўм таркибидаги олтиннинг янги миқдорига мувофиқ бошқа капиталистик мамлакатларнинг валюталарига нисбатан сўмнинг курсини ошириш топширилди.

Совет Ҳукуматининг бу қарорни қабул қилиши 1961 йил 1 январдан бошлаб, нарх-наволар миқёси ўзгартирилиши ва ҳозирги вақтда муомилада бўлган пулларни янги пулларга айирбошлаш йўли билан совет пул единицасининг йириклаштирилиши муносабати билан зарур бўлди.

Маълумки, пуллар умумий товар эквиваленти ролини бажаради ва унинг бу роли мол айирбошлашнинг узоқ вақт давомида олтин ҳисобига тарихий ривожланиш жараёнида мустаҳкамланиб келди. Турли молларнинг нархларини бир ўлчовга келтириш ва баробарлаш учун уларни бир хилда бўлган пул единицалари билан ҳисоблаш, яъни бир миқёсга келтириш зарур. Давлат пул единицаси учун қабул қиладиган олтиннинг маълум миқдори ана шундай миқёс бўлиб хизмат қилади СССР да олтиннинг маълум миқдори билан белгиланадиган сўм нархларининг ана шундай миқёси бўлиб келади.

Нархларнинг миқёси ўзгартирилиши ва совет сўмининг таркибидаги олтин миқдорининг оширилиши мамлакатимиз иқтисодий жиҳатдан прогрессив йўлдан тараққий этаётганлигининг қонуниятларидан биридир.

Мамлакатимизда нархларнинг, ҳозир амалда бўлган миқёси асосан саноат ва қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг ҳажми, чакана мол оборати, миллий даромад миқдори, аҳоли пул даромадлари ва давлат бюджети миллиардлаб ва ўн миллиардлаб сўм миқдорида ҳисоб қилинган урушдан аввалги ва урушдан кейинги дастлабки йилларда вужудга келди.

СССР халқ хўжалиги кейинги ўн йил ичида гоят тез суръатлар билан ривожланганлиги натижасида ҳозир нархларнинг амалда бўлган миқёси совет экономикасининг ўсиб кетган талабларига жавоб беролмай қолди. Фақат кейинги етти йил ичида (1953 — 1959 йиллар мобайнида) саноат ишлаб чиқаришининг ҳажми 1,9 баравар; миллий даромад — 1,8 баравар; чакана мол оборати — 1,8 баравар кўпайди ишчи ва хизматчиларнинг реал даромадлари 45 процент ва деҳқонларнинг реал даромадлари 64 процент ошди, 1940 йилдагига нисбатан эса — 2 ва 2,2 баравар ошди.

Натижада ялпи маҳсулот ва мол оборотининг ҳажми иш ҳақи, миллий даромад, бюджет, шунингдек СССР Давлат банкининг кредит ва ҳисоб-китоб муомалалари кўп миллиард ва триллион сўмлар билан ҳисобланадиган бўлиб қолди. 1940 йилда саноат ишлаб чиқаришининг ҳажми 300 миллиард сўмдан камроқ миқдорда баҳоланди, эндиликда эса, саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг баҳоси 1,5 триллион сўмга етай деб қолди. Чакана мол оборотининг ҳажми (умумий овқатланиш билан бирга) урушдан илгари 175 миллиард сўмни ташкил этган бўлса, 1960 йилга келиб қарийб 766 миллиард сўмга етди. Нақд пул тўламай, тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш йўли билан Давлат банки орқали ўтказиладиган тўлов оборотининг йиллик ҳажми ҳозирги вақтда бир неча триллион сўмга тўғри келади. Бизнинг перспектив планларимизни назарда тутганимизда кейинчалик бу рақамлар бунга қараганда ҳам беқиёс ошиб кетган бўлур эди.

Нархларнинг миқёси ўзгартирилиши гоят катта аҳамиятга эгадир. Бу билан аввало тўловлар ва муомалаларнинг техникаси анча осонлашади. Корхона ва ташкилотларнинг касса ҳўжалигини юритиш ҳаражатлари камаяди, бутун халқ хўжалигида ҳисоб юритиш ва ҳисоб-китоб ўтказиш енгиллашади. Банк ва хазина билетларининг миқдори камайтирилиши давлатнинг уларни тайёрлашга сарфлайдиган ҳаражатларини уч баравар камайтиришга имкон беради. Нархлар миқёсининг ўзгартирилиши бундан ташқари, аҳолининг назар эътиборида сўмнинг ва унинг ҳар бир тийинининг аҳамиятини оширади, халқ хўжалигининг барча бўғинларида қатъий иқтисодий тежаш учун муваффақиятли кураш олиб боришнинг янги шароитларини вужудга келтиради.

Сўм таркибидаги олтин миқдори ва унинг курси оширилиши СССР нинг ташқи иқтисодий алоқалари учун ҳам катта аҳамиятга эгадир. Бу тадбир жаҳон бозоридаги нархларни СССРдаги кўтара нархлар билан солиштириб кўришга имкон беради. Чунки жаҳон бозоридаги баҳоларнинг ўртача даражаси асосан СССРдаги кўтара нархларнинг ўртача даражасига қараб белгиланади. Бунинг натижасида, биринчидан айрим моллар экспорт ва импортининг нисбий рентабеллигини ва СССРнинг умуман, шунингдек айрим мамлакатлар билан ҳам ташқи савдосининг халқ хўжалиги жиҳатидан рентабеллигини тўғрироқ белгилаш; иккинчидан ташқи савдо ташкилотларимизнинг кўжалик ҳисобини мустаҳкамлаш мумкин бўлади.

Турли совет ташкилотлари ҳозирги вақтда 80 мамлакат билан ташқи иқтисодий алоқа боғланган. СССР Давлат банки дунёдаги банк муассасаларининг 800 дан кўпроғи билан валюта муомалаларини амалга оширади. Сўм таркибидаги олтин миқдори ва унинг курси шу сўмнинг ҳамда капиталистик давлатлар валютаси харид кучининг реал нисбатига мос келадиган қилиб оширилиши совет сўмининг ташқи валюта-молия муомалаларидаги халқаро обрўси ва барқарорлигини янада оширишга имкон беради.

Совет пул единицасининг 1961 йил 1 январдан бошлаб яхлитлаштирилиши СССРнинг капитализм билан тинч мусобақасида эришган гоят катта муваффақиятларини кўрсатади ва пул системамиз ҳамда пул муомаламизнинг мустаҳкамлигидан далолат беради. Совет пул единицасининг яхлитлаштирилиши капиталистик дунё валюталарининг қадр-қиммати борган сари пасайиб кетаётган бир шароитда социалистик дунё валютасининг афзалликларини намойиш қилади. Совет сўми революциядан аввалги 1913 йилдагига нисбатан таркибида олтин миқдори ўсган дунёда бирдан-бир валютадир. Совет сўмининг таркибидаги олтиннинг янги миқдори чор Россиясининг 1913 йилдаги сўми таркибида бўлган олтин миқдоридан 27,5 процент ортиқдир. Ҳолбуки, АҚШ долларининг таркибидаги олтин миқдори 1913 йилдагига нисбатан атиги 59,1 процентни (бунинг устига сунъий равишда оширилган даражасига қарамай); инглиз фунт стерлингида — 34,0 процентни, француз франкида (унинг миқёси 1959 йил январидан бошлаб 100 баравар йириклаштирилгандан кейин)— 62 процентни; Ғарбий Германия маркасида — 59,0 процентни; Италия лирасида 0,49 процентни ва Япония иенасида 0,33 процентни ташкил этади.

Бир-бирига қарама-қарши икки ижтимоий системанинг валюта якунлари ана шулардан иборат.

Профессор М. ЗЛОБИН.

Телевизор экранида

20 НОЯБРДА

12.00. «Физкультура билан шуғулланинг».

12.20. Фильм-ҳикоя — «Чақмоқ тош».

13.40. Инглиз тилидан рус тилида 9-дарс.

14.10. «Маданият университети». «Музикани қандай эшитмоқ ва тушунмоқ керак» (ўзбек тилида 2-эшиттириш).

18.00. Артиллериячилар кунига бағишланган эшиттириш.

18.30. Киноповесть — «Шанбадан душанбагача».

20.00. «Пойтахтимиз меҳмонлари». Танаффус вақтида сўнгги ахборот.

22.10. Ўзбекистон радиоси солистлари ва халқ чолғу оркестрининг концерти.

21 НОЯБРДА

19.00. «Шолғом тортиш» — мультипликацион фильм.

19.10. «Ёш аёлларга маслаҳатлар».

19.35 Сўнгги ахборот.

19.55. «Меҳнаткашларнинг саволларига жавоблар» (ўзбек тилида).

20.05. «Шимол қўриқ ерларининг қаҳрамонлари». «Гана устида байроқлар» — ҳужжатли фильмлар.

21.20. Хитой драматурги КЭ Янъэнинг «Севувчи қалб» номли бир пардали пьесаси.

Тошкентнинг тамоша заларида

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 20/XI да кундуз **Хореография билим юртининг концерти**, кечқурун **Лайли ва Мажнун**, 22/XI да **Чио-Чио-Сан**.

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 20/XI да кундуз **Юрак ёнмоғи** керак, кечқурун **Фурқат**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 20/XI да **Равшан ва Зулхумор**, 21/XI **Ошиқ Ғариб**.

Судья — «ВАТАН», «СПУТНИК», «ИСКРА» (кундуз ва кечқурун).

Прэри кўчаси — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Евгения Гранде — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб соат 10, кундуз 12, кеч 6 ва 10 да).

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА
20 ноябрда
«БАҲОР» ХАЛҚ РАҚС АНСАМБЛИНИНГ
СССР бўйлаб қилинган гастролдан қайтиши муносабати билан

Ҳисобот концерти

Бадиий раҳбари ва бош балетмейстери — СССР халқ артисти, Сталин мукофоти лауреати **Мукаррама Тўрғунбоева.**

Концерт кеч соат 8 да бошланади.

Митти бола — «ЎЗБЕКИСТОН» (эрталаб соат 10 да).

Рулдаги рақиблар — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Синов муддати — «МИР» (кундуз ва кечқурун).

Кўприкдан ўтиш мумкин эмас — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 2, 4 ва кеч 8 да).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА
Бугун
Тошкентда биринчи марта
ИЛЛЮЗИОН АТТРАКЦИОН
АРТИСТ
Анатолий Фурманов
ГАСТРОЛЛАРИ
ва янги программада
ЦИРК ТАМОШАЛАРИ
Тамошалар давомида қизиққи артист ака-ука **Ширманлар** қатнашади.
Тамошалар кундуз соат 1, 4 ва кеч 8 да бошланади.
21/XI дан тамошалар кеч соат 7 яримдан бошланади.

«Тошкент ҳақиқати» газета редакциясининг коллективи редакциянинг адабий ходими
Уткир ҒОЗИЕВнинг
бевақт вафот этганини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оиласига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон толстойшуносларининг илмий сессияси

Гениал рус ёзувчиси Лев Николаевич Толстой жаҳон адабиётини бойитган бадиий ижодининг бебаҳо ҳазинасини мамлакатимиздаги барча республикаларнинг олимлари қунт билан ўрганмоқдалар. Ўзбекистон Фанлар академиясининг филологлари ҳам ўз тадқиқотларини Толстой адабий меросининг жаҳоншумул тарихий аҳамиятига, у яратган асарларнинг ўзбек адабиётига баракали таъсирига бағишладилар. Уларнинг асарлари Л. Н. Толстой вафот этган кунга эллик йил тўлишига бағишланган юбилей илмий сессияси муносабати билан тил ва адабиёт институтида ташкил қилинган виставкада кенг кўрсатилган.

Сессия фанлар академияси ижтимоий фанлар бўлимининг конференц-залида 18 ноябрда бўлиб ўтди. Тил ва адабиёт институтининг директори А. П. Қаюмов сессияни очиб улуғ рус ёзувчиси яратган ўлмас асарларнинг бутун прогрессив инсоният қулликка ва зўравонликка қарши, тинчлик ва гуманизмнинг юксак идеаллари учун курашдаги ғоят катта ролини таъкидлаб кўрсатди.

Академиянинг корреспондент-аъзоси В. Й. Зоҳидов «Л. Н. Толстой ижодининг жаҳон аҳамияти» ҳақида доклад қилди. Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги шоир Ғофур Ғулом ўзбек совет адабиётидаги Толстой реализмининг традициялари ҳақида гапириб берди. Институтнинг илмий ходими И. Х. Майорова ўз докладида ёзувчи ижодининг бурилиш давридаги асарларида ҳукмрон синфларни фош этиш тенденцияларини анализ қилиб берди. Филология фанлари кандидати М. М. Расули Толстой асарларининг ўзбек тилига таржима қилиш тарихи ҳақида кўпгина қизиқарли нарсаларни айтиб берди.

Докладлардан кейин институт илмий ходими Б. В. Қориев ўз отасининг Лев Толстой ҳақидаги хотираларини айтиб берди, институтнинг илмий ходимлари Ф. К. Сулаймонова ва Ким Ле Чуннинг Толстой асарларининг Ғарб ва Шарқ адабиётларига таъсири ҳақидаги илмий ахборотлари тингланди.

Сессия ўтаётган залга институт илмий ходими В. М. Попов томонидан яратилган улуғ шоирнинг портрети қўйилган эди. В. М. Попов Толстой билан хат ёзишиб турган, кўп йиллар унинг архивларида ишлаган эди, ҳозир эса унинг асарлари юзасидан қизиқарли текстологик текширишлар олиб бормоқда. Бу портрет 1902 йилда чизилган эди. У пайтда М. В. Попов гимназияда ўқир эди. Бу портрет Толстой генийсига мухлисликнинг ифодаси тарзида пайдо бўлган эди.

Сессияда таниғли ўзбек ёзувчилари, Тошкент давлат университети ва педагогика институтининг ўқитувчилари ва студентлари иштирок этдилар. (ЎзТАГ).

Дружиначилар ҳаракатда

Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институтининг кўнгилли халқ дружиналари штаби революция Сквери-Аэропорт маршрути бўйлаб қатновчи 25- автобусда чўнтак ўғрилари пайдо бўлиб қолганлигини пайқаб қолди. Дружиначилар дарҳол ишга киришиб, эриқўл Георгадзе, Пахе ва Сидоровларни қўлга туширдилар ва милиция бўлимига топширдилар. Улар ҳеч қаерда ишламай, эгри йўлга кириб кетган текинхўрлар экан.

Дружиначилар сўнгги вақтда бундай текинхўр саёқларга қарши курашни янада кучайтириш мақсадида шанба ва якшанба кунлари комсомол рейдларини ўтказмоқдалар. Беш марта ўтказилган рейд натижасида 300 дан ортиқ бекорчилар қўлга туширилди ва тегишли чоралар кўрилди. Дружиначилардан Симонова, Бозоров ва Паттеев кабилар бу ишда бошқаларга ўрнак бўлмоқдалар.

М. СУЛТОНОВ.

Редактор З. И. ЕСЕНБОЕВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («Ташкентская правда») — орган Ташкентского обкома и горкома Коммунистической партии Узбекистана, областного и городского Советов депутатов трудящихся.

Редакциямизнинг АДРЕСИ

Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Коммутатор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 140, Пропаганда бўлими — 34808. 136. Совет қурилиши бўлими — 136. Адабиёт ва санъат бўлими — 29040. 135. Қишлоқ хўжалик бўлими — 29040. 135. Саноат ва транспорт бўлими. Маданият бўлими — 34048. 132. Хатлар бўлими — 34048. 156. Маҳаллий ахборот бўлими — 29040. 50. Секретариат — 34808. 115. Эълонлар бўлими — 28142.

Р. 12398. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Узбекистон сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. А. 1919.